

ФАХРИЁР

# ГЕОМЕТРИК БАҲОР

(Ўнгарилган тушлар)

*(Шеърлар)*

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2004

Ю 30800  
293

Ф 32

**Фахриёр.**

Геометрик баҳор (Ўнгарилган тушлар):  
Шеърлар – Т.: «Маънавият», 2004. – 192 б.

Муаллифнинг исми шарифи: Фахриддин Низомов.

ББК 84(5У)6–5

Ф 4702620204–12  
M25/04/–04

©«Маънавият», 2004

2005 12/17	Allsher Nizomov muallif O'zbekiston
---------------	---

40

---

## ТАРАДДУД

---

### ВАТАНПАРВАР

У «Ватан!» деб бақирмайди ҳеч,  
Кўчаларга чиқмас ҳайқириб.  
Тилига ҳам олмас эрта-кеч,  
Мақтамайди кенглик, айғирин...

Кўзларига ёш ҳам олмайди  
Ватан учун жамоат жойда.  
Ўзи билганидан қолмайди,  
У Ватандан кўзламас фойда.

Бирор кимга уқтирмайди у  
Ватанини суйишни қандай.  
Минбарлардан сочмайди туйғу,  
У жимгина яшар... Ватандай.

Бир аёлни суйгандай суяр  
У Ватанин жимгина ва хос.  
Елкасига қўлларин қўяр  
Ва ардоқлар бағрига босиб.

Керак бўлса, жонини берар,  
Лекин уни ҳеч кимга бермас.  
Ҳар битта тош, ҳар битта терак  
Унга азиз, бегона эрмас.

Узун тоғларининг тошини  
Юрак тафтин бериб илитар.  
Юртга муҳаббатин шошилмай  
Тўкаётган қон билан битар.

У қўрқмайди, зорланмайди ҳам,  
Қонлар учун марҳамат кутмас.  
Жон берарга орланмайди ҳам,  
Билар, уни Ватан унутмас.

Она бўлиб унутмас Ватан,  
Бир ёр бўлиб сақлайди ёдда.  
Хоҳланг, уни қаҳрамон атанг,  
Хоҳланг, ватанпарвар – бир оддий.

Унинг учун бунинг фарқи йўқ,  
Мақтов тинглашга жон куйдирмас.  
Ватанидан унинг кўнгли тўқ,  
Қолган гаплар бари уйдирма.

*22. 08. 2000*

ЭРМАК ШЕЪР

Кўз ёшингни ювасан ойлаб,  
Гурунч каби тошин терасан.  
Умидингни белингга бойлаб,  
Ёш ювишга кучинг берасан...

Оқармаса агар куз ёшинг,  
Кетган бўлса агар кўнариб,  
Соласан кир ювиш мошинга,  
Авра-астарини ўнгариб.

Агар тозармаса сен уни  
Элтажаксан кимёхонага.  
Тўкилмаса мабодо хуни,  
Демак, кўзёшларинг қонаган.

Сен қонни қон билан ювмоқлик  
Урф эканин билмай қийналсанг,  
Нечун сенга ёш шаффофлиги  
Бевафо ёр сийнасидайин?

Бу оқликнинг мавжлари ёмон,  
Тўлқинлари сапчийди кўкка.  
У ёвуздир, қутурган ҳамон  
Қаърига дунёлар чўқади.

Қутқаролмас чўккан кемани  
Кўзёшларинг тиниқлиги ҳам.  
Кўнгил — армонларнинг емаги,  
Улаб бўлмас синиқларини.

Кўз ёш армонларни бўрттирар,  
Шаффоф кўз ёш қирраси баттар.  
Тиканакдай тушларга кирар,  
Гарчи атиргулдай муаттар...

Ювилган кўз ёшлари қиммат,  
Сотсанг — бозор, сақласанг — кўза.  
Харидорлар қадами тинмас,  
«Ҳар йўловчи унга қўл чўзар...»\*

Кўз ёш сотиб яшаш мароқли,  
Кунинг ўтмай қолмас, ҳарқалай.  
Умр бўйи йиғиб қароқда  
Олиб кетармидинг орқалаб?

Ёхуд уни қуришиб олгин,  
Офтобга ёйганча битталаб.  
Ва кўмиб қўй кўзага солиб,  
Кўз ёш қоқи кетмас миталаб.

Тўғри, ҳаёт — маърака-маврид,  
Жоннинг иссиқ-совуқлиги тан.  
Бордир кузи, бор баҳор — саври,  
Бир кунингга ярар у, ишон...

Июнь, 2001

---

\* Паҳлавон Маҳмуд сатри.

### КУТИЛМАГАНЛИК

У аёлдай келади — келса,  
Муҳаббатдай келар дафъатан.  
Гулдай келар шафоат қилса,  
У ҳеч қачон келмайди атай.

Яна недай келсин, айтингиз,  
Хушxabардай келсинми кулиб,  
Ё келсинми уйда пайтингиз  
Адашган бир итдаин улиб?

Тўлов қоғозидай бир куни  
Ё почтадан келсинми сизга,  
Ё заминдан чиқсинми униб  
Гул сингари — бергудай қизга.

Умидсизлик каби тунлари  
Келсинми у бирдан чўнгланиб,  
Ажинадай чалиб мунгларин,  
Гоҳ сўлланиб, гоҳи ўнгланиб?

Тушингизга кирсинми ёхуд  
Келар кундан каромат бўлиб,  
Ёки бичиб қўйсинми Охунд  
Қошингизга йўламас қилиб?

Ўша омад бўлса-чи агар,  
Бахт бўлса ҳеч бошга қўнмаган,  
Бўлиб ҳам бўлмаса чакана  
Ва ё умид бўлса синмаган?..

Жонга тегар иккиланишлар,  
Йўл бермайди тайёргарликка.  
Кўнгилдаги гумонлар нишлар,  
Униб чиқа бошлайди тикка.

У қуёшни кўрмаган ҳали,  
Юракка ҳам санчилмас унча.  
Яхшиликми — билсаки балиқ,  
Кўзмиди — қайтарса кўзмунчоқ?

Шеърмидики, қоғоз кўтарса,  
Дардмидики, кўнгил эрмаги,  
Тиғмидики, жондан ўт(ар)са,  
Тасодиф измига юрмагач?..

Мувозанат посангисини  
Жавоби йўқ саволлар бузар.  
Ҳаёт зайли осонгинами,  
Жавобсиз ҳам яшасанг узоқ?

Гир айлананг — кутилмаганлик,  
Келганмикин, бор эмасмиди?  
Келган бўлса, у қай маконлик,  
Бор бўлса, бир сўз демасмиди?

26. 11. 2001



ГИРЯ

*Рассом хотирасига*

Болиш патларидай орзулар тўзар,  
Сағир умидларинг жон сўрар мендан.  
Бошинг узра бобо Туркистон бўзлар:  
Нега биз айрилдик, негалар сендан?!

Баттол замон, қаттол замон, альамон,  
Нечун қиличини қонингга бўяр?  
Не қилмадинг, не қилдинг, айт унга, сен?  
Гугурт донасидай сўроқлар куяр.

Қайдан топиб берай сени қаламга,  
Ранглар сўроқлайди, қайлардан топай?  
Тобакай бўзлайин сенсиз оламга,  
Осмон — кўзларингни қандайин ёпай?

Армон менсирайди, руҳлар сенсирар,  
Бўғзимга тиқилар, йиғимас, жоним.  
Бу савдойи хаёл тентирар,  
Юракларим кетмоқда ёни-и-ибб!

Куз кечар, қиш кечар. Кейин шаъбон ой:  
Баҳор излаб келар сени қайтадан.  
Сенинг йўқлигингни қандоқ яширай,

Мен буни баҳорга қандоқ айтаман?..

1991

## УЧЛАНИШ

### 1. Бадбинлик (Тезис)

Тўлқинларга урилиб гоҳ, чайқалиб гоҳи илкис  
вақт баҳрида сузиб борар бир улкан кема

шитоб.

Гоҳ сурилар, гоҳ суради, гоҳ силтанар,

гоҳ силкир,

борар манзили ноаниқ — ўқилмаган китобдай...

Синган кўнгил жарангини кўмар довул қасири,  
муҳаббатлар санқир унинг мачталарида сувдан  
қочган каламушлар мисол, улар олатасири  
бузар туннинг оромини. Юлдузлар ҳам

(қўрқувдан)

жимирлашиб ётар токи ўчиргунча тонг ели.

Ҳамманинг боши гарангдир унинг

чайқалишидан.

Кема лопиллар гоҳ у ён, гоҳ бу ён бориб-келиб,  
тўққизин кўнгли беҳузур, қусар ҳар

ўн кишидан.

Томонлар йўқ, қаён сузса келажақдир ўшал ёқ,  
на шарқ бордир, на ғарб бордир, на жануб

ва на шимол.

Узоқ саёҳатдан қайтса денгизчи айтиб алёр,  
бул кемага кетмоқ бордир, қайтмоқ йўқ,

ҳайдар шамол.

Кемаларнинг ватани йўқ, жойи йўқ —  
қайтиб келар,  
борар жойи макон эмас, борар жойи замондир.  
Замон излаб йўлга чиққан кема денгизда елар,  
тунлар унга ҳамроҳ бўлган ойнинг ранги  
сомондир.

Йўллар айро, мақсад айро, истайсан ундан  
тушмоқ,  
денгиз кемадан ваҳшийдир, икки ёвузлик аро  
сенга танлаш имконини берар ҳаёт ушмундоқ,  
икки имкон, иккисин ҳам танламоғинг нораво.

Кемангда бесаранжомсан, қани манзил дараги,  
Замон излаган кеманинг маконда адашганин  
дарғага ким айта олур ҳовучлаб юрагини  
манзил танларда оммани ғоялар алдашганин?

Сен нимасан, ё кимарса — дилларга  
қутқу солган,  
берган қайларгадир сузмоқ заруратини, бироқ  
қаён сузмоқ ихтиёрин қўллардан тортиб олган,  
узвин кесиб ёт манзилга йўл бошлаган  
Широқдай?

Сен адашсанг, бир ҳидоят йўлинг кўяр  
тўғрилаб,  
гуноҳларинг кечиради парвардигорнинг ўзи.  
Лекин кемалар адашса, манзилини ўғирлаб —  
кетса алдовлар, не бўлар? Кемага берсин тўзим!

Тўзим нима, билмайди у, елиб борар  
шамолдай,  
борар манзилдан қайтмоққа унинг имкони  
борми?..

Эсимдадир, болаликда отчалар ясаб толдан  
югурганда ҳолдан тойиб, билмайин нима ҳордиқ  
мажол қолмас эди уйга қайтмоққа ўйин қизиб,  
бизни уйга қайтарарди энамнинг йўқлашлари  
ва эртанги ўйинларга берилмаяжак изн  
қўрқувлари уйимизга ҳайдар эди барибир...

## *2. Некбинлик (Антитезис)*

Ким айтади адашган деб йўлга чиққан кемани,  
ким у кема кўзлаётган манзилни кўриб келган?  
Ким у ҳукм юргизади тангрининг демагидан,  
ким у вақтнинг кемасидан тушмоқ истаган  
телба?

Не иштибоҳ, ҳукм бўлса кеманинг юрмагига,  
не таққоски, келажакда ўтмиш такрор бўлади?  
Кемада туриб замонлар манзилин кўрмагингга  
кимнинг ишонгиси келар, паймони тўладиган?

Сен мунажжим бўлганда ҳам юлдузлар  
жойлашуви  
маконий ҳодисадир, ул замонлар башорати —  
учун имкон бергаймикин замонлар ойлашуви,  
қунлашуви мисол? Майса умидларнинг форати

башоратга боғлиқ бўлса, боғлиқ бўлса фалакка,  
оқибатлар нилий сабаб натижаси бўлса гар,  
кўчманчилар босқинидан вайрон бўлгандай

Аккад,  
сабаб қолиб, башоратдан шикаст етса кемага,

гуноҳсизлик фожиаси, тадбир имконсизлигин  
нима билан оқлаяжак сабабсиз оқибатлар?  
Куюш бўлса тангрининг ерга боққан кўзлиги,  
оқибатнинг тизгинин қўлга олар-ку қатлаб...

Вақтнинг тўлқинларин ёриб кема сузиб боради,  
қоялар ва саёзликлар хатарини енгарак.  
Янглишишлар иштибоҳи кўтарилар орадан,  
адашмаслик эҳтимоли манзилдан берар дарак.

Вақтнинг шафқат билмайдиган битта ҳукми  
бор қатъий:  
хато қилмоқ имкони ҳам орқага йўл бермайди.  
Вақт дайрида ҳар пиёда денгизчидир  
Синдбоддай,  
унда ҳар ким манзил деган бир қаттиқлик  
сермалар...

### 3. Худбинлик (Синтезис)

Некбинлик ҳам, бадбинлик ҳам ҳукм  
эрур муайян,  
ҳар қайсиси тафаккурни солар ўз ўзанига.

Асли кема бормидики арзирли ва музайян,  
куйиб-пишиб сўзласанг ул ҳақда ким ўзарига?

Майли, кема бор ҳам дейлик, чиқди  
дейлик сафарга,  
саргузаштнинг муқобили бўлмагач,  
не қиларсан?

Маҳкум бўлсанг эл қатори сен ҳам ўша зафарга,  
нечун энди яратгандан мағлубият тиларсан?

Эҳтимолки, сен тилаган мағлубият эмасдир,  
ҳар кимнинг ҳам ҳаққи бордир дерсан  
иккиланишга.

Сен фикрингга шерик топган аҳволотингдан  
мастсан,  
не ҳаққинг бор ширкнинг гуноҳ эканидан  
тонишга?

Иккиси ҳам сени эздан оғдирар бўлса зотан  
ахтарурсан учинчи бир гуноҳни, мувозанат —  
сақламоқ истаги бирлан, дастлабки икки  
хатонг —  
ўртасида лангар каби, ўрин қолмас таънага.

На чораки, кема йўли таънанинг қоялари  
аро ўтса — энг яқин йўл — қочиб  
қайга борардинг?

Маломатга тўлиқ бўлса яшашнинг моялари,  
кўнгилдаги дардингни сен қай дардсизга  
ёрардинг?

Дейлик, кема сен айтган бир қояга урилганда,  
таъналарда омон қолмоқ имкони бўлса эди,

сен сиғинган тушунчалар маъниси сурилганда  
ўша қоялар сарига, ўлмоқни танлармидинг?

Инсон зотидан азизроқ хилқат йўқдир дунёда,  
ҳеч бир ғоя арзимаиди дақиқалик умрингга.  
Минг йилларда битта умр келар ахир бунёдга,  
ҳар бир ғоя манфаатин кўзлаб чорлар,  
гумранар.

Ҳар ғояки, таъналардан ўзни оқлаш хоҳиши,  
гуноҳларни енгмоқ иши жамоат кўз ўнгида.  
Гуноҳмас, фақат гуноҳкор бўлмоқдан  
кўрқар киши,  
ҳар ғояда емагингдан покланмоқлик тўнғиган.

Бу кўрқоқлик эмас, ўзинг учун яшаш истаги,  
на кеманинг, на демакнинг унга дохиллиги бор.  
Ким у сени ўз йўлига ғоя билан қистаган,  
кемасида олиб кетмоқ пайида бўлган шунқор?

Шу умр сеники. Уни сарф ёки исроф қилмоқ  
ихтиёрин сенга тангри берган бошдан-оёғи.  
Қаю ахлоқ, қай ғояда такомилга интилмоқ  
ўз ишингдир, ким бошингда ўйнатса-да таёғин.

Эҳтимолки, сен интилган манзил  
ломакондадир,  
на замон, на макон билан унга бориб бўлғуси.  
Ҳар неки, эришгайсан, эришмассан —  
жондадир,  
бу макон ҳам, ломакон ҳам жон билан  
узилғуси.

13. 04. 2002 (тугаган вақти)

## ИЗЛАМ

(Румиёна)

Мен ўзимни сендан изладим.  
Излаш азобининг тотлари  
тополмаслик сингари қадим.  
Мен сенга сочилдим тариқдай.

Мен сендан тераман ўзимни,  
битталаб ўзимни тераман.  
Сен-чи, мендан йигасан кимни,  
мен сенга кимларни бераман?

Сендан ўзни топмаслик ўйи  
юрагимга солар ваҳима.  
Излам — ўйин, гизланмоқ — ўйин,  
раҳмон раҳм этмас оҳима.

Раҳми келган ёлғиз сенмикан,  
менга излам имконин берган?  
Ўзни тополмаган менмикан,  
ўз ўрнига маломат терган?

Мен ўзимни қилдим маломат,  
сенга кудуратдан асрасин!  
Сендан келар ҳар неки омад,  
мендан — омадсизлигим насиб.

Йўқотмоқнинг муқаррарлиги  
тенгдир топмоқ эҳтимолига.  
Омонат — дунёда борлигинг,  
абдийдир йўқлигинг. Нега?



Унда нега сендан изладим  
мен ўзимни, қонимга ташна?  
Имконландим, имконсизландим  
гоҳ интиқиб, гоҳида қақшаб.


Кимни олиб кетди бу фано,  
сеними, сендаги мени ё?  
Менми, сенми, айт-чи, ким қани,  
қайсимизда адашди дунё?

Сен ким бўлиб менга қайтарсан,  
мен қайтарман сен томон ёхуд?  
Менга кимлигингни айтарсан,  
Машрабмисан ё Бозор Охунд?

Бу йўллар сарғарди — келмассан,  
мен ўзимни бунчалар кутдим?  
Қанчалар кутганим билмассан,  
қанча-қанча изламлар ўтди.

Сени изламадим. Изладим  
сендан мен ўзимни тинимсиз.  
Топмадим, бўзладим, музладим,  
кўзларимда қасирлайди муз.

На топмоқлик бўлар мустажоб,  
на топмаслик насиб этади.  
Излаётган кимарсанг, ажаб,  
изламасанг қайга кетади?



Топмоқ учун изламаслигинг,  
излаш учун топмоғинг даркор.  
Бу туйғулар нақадар чигил,  
ҳар чигили бир сиртмоқ арқон.

Мен ўзимни сенда суярман,  
гоҳо топиб, гоҳо топмайин.  
Сени топганимдан куярман,  
куядирман топмаган сайин.

Мен ўзимни сендан изладим...

*04.01.2000*

КЎЧА ҲАҚИДА ЭРТАК

(Болаларга)

Ким кўчани туғиб кўчага  
ташлаб кетган?

Увол.

Йўргаклаган, вазнин ўлчаган  
Тарози юлдузи, эҳтимол.

Киндигини кесган момочи  
Оймикин?

Отаси ким унинг,  
омочми,  
ё қиличми,  
боймикин?..

Шўрлик тентиб юрди ит каби  
бир туюр нон ахтариб.  
Ютгани ғам, тортгани — жабр.  
Сағир ва ғариб.

Болалар уйига  
олмади уни  
қовоқлари уюлган  
булут.

Кўкрагидан сут бермади ёз  
ҳарсиллаб.  
Унга боқмай кузлар ўтди бозорга  
мошинларда лорсиллаб.

Йўқчиликни кўтармаган  
еллар уни қилди тарбия...

Бир кун мактаб кўрмаган  
кўча савод чиқаришни қилди зўр ният.

Ўқишни ўрганди трамвайдаги  
эълонларни ҳижжалаб.  
Ойлар ўтди, февраль... май, тагин  
зулқаъдалар, зулҳижжалар...

Бундан хабар топган ижроқўм  
ишга олди Кўчани — пуллик.  
Маош тайинлади: фалон сўм.  
Куллуқ!..

Кўча хурсанд, кўлига  
маош тегиб мезонда.  
Сотиб олди пулига  
денгизчилар кўйлагини дўкондан.

Энди кашал бўлмас боғча холалар,  
муаллимлар бўлмас алағда:  
мактабига ўтар болалар  
кўйлак кийган Кўчадан шахдам...

Шу-шу Кўча ошаб ошини,  
ётар экан керилиб.  
Чўнтак тўла маоши,  
тургани ҳам эриниб.

Ёмғирда ювар экан  
кўйлагини яшинлар.  
Дазмоллаб берар экан  
шимларини мошинлар.

---

## ИШҚ БАЛОСИ

---

\* \* \*

Мендан шамол бўлиб кетмоқ истайсан,  
мен тўзон бўлиб  
кетадурман сен билан бирга.

Майса бўлиб оғушимдан юлқинасан,  
қўйиб юбормайман мен замин бўлиб.

Мендан кетмоқ истайсан  
япроқлар бўлиб,  
хазонрез қайтариб келар бир куни.

Мендан кетмоқ истайсан  
кабутар бўлиб,  
лекин  
ҳар қандайин парвоз ерда тугайди.

Буғ бўлиб ўрлайсан кўкларга,  
ёмғир қилиб қайтаради тупроққа баҳор.

Юзларимга оёқ қўймоқ истайсан.  
Тупроқнинг юзи йўқ,  
бор-йўғи — бағир.

*05. 03. 2000*

\* \* \*

Дунёнинг камини муҳаббат билан  
тўлдирмоқ истаган малика — гулбахт,  
сотиб ололмайман муҳаббатингни  
меросдан бенасиб мен бир валиаҳд.

Тортиб ололмайман муҳаббатингни,  
шамширни ой қилиб фалакка осдим.  
Тилаб ололмайман муҳаббатингни,  
сувсиз ҳовучимни шўрхоқлар босди.

Йиғлаб ололмайман муҳаббатингни,  
кўзим косалари аёқ бўлгандир.  
Кулиб ололмайман муҳаббатингни,  
юзим зардларида кулги сўлгандир.

Юлиб ололмайман муҳаббатингни,  
қўлларим армонга томирлаб кетган.  
Истаб ололмайман муҳаббатингни,  
истаклар жон каби бўғзимга етган.

Куйиб ололмайман муҳаббатингни,  
қақнус эдиммики, кулдан тўрасам?  
Суйиб ололмайман муҳаббатингни,  
мен адо бўлганман кўнгил сўрасанг.

Тегиб оёқости қилди бу юрак,  
ерларга киритиб юборди мени.  
Эртан баҳор келса, кўкариб чиқсам,  
ўшанда севарман, эҳтимол, сени...

*06. 03. 2000*

\* \* \*

Тушларинг капалак мисол қўнимсиз,  
чодирин кўтариб юрган сайёҳдай  
сен уни бир жойда тутмайсан муқим,  
ёстиққа томирлаб кетмас тушларинг.

Тушларингни ватан қилмоқ истадим,  
Ватан мендан қочар нигоҳинг каби.  
Гуллар туш кўрмайди мени ҳеч қачон,  
дарахтлар тушига киритмас мени.

Туйғуси бичилган далли Машрабдай  
кўзингдан мен ватан ахтариб толдим.  
Энди мен ёдингдан кетарман минбаъд,  
энди мен кетарман нигоҳларингдан.

Худодан илтижо қилурман, мени  
ёдингдан ҳарфма-ҳарф, суратма-сурат,  
нафратма-нафрату бўсама-бўса  
ўчирсин, ортимга қайтмайин токи...

Босгани тупроқ йўқ, учмоққа қанот,  
биламан, осмон ҳам меники эмас.  
Тушинг осмонлари кўзгу мисоли  
буклаб халтачангга солиб қўйилган.

Сен уни бермайсан, эҳтимолки мен,  
қофия жонимга текканидайин,  
сенинг бадларингга уриб кетганман.  
Лекин мен қулвачча эмасман, билгин.

Мен энди кетарман, кетарман мангу,  
на араз, на ғараз, на фаразларинг  
мени қайтаролмас энди қошингга.  
Дилимда севгингу тилимда видо.

Сочларим оқариб борар тонг каби,  
қадр кечалари энди келмайди.  
Мен энди кетарман тонгларни кечиб,  
ватансизликларга, ишқсизликларга.

Бизни висол эмас, симлар ажратар,  
ўртага туядай ҳижрон чўкади.  
Кетмоқ азобининг хўрсиниқлари  
бўғзимга ёш каби тиқилар аччиқ...

Хўрсиндим, хўрларим синди минг пора,  
аксланди ҳар синиқда бир осмон.  
Энди мен туш эмас, шу осмонларда  
яшарман кезгинди, эзгин, дарбадар...

*25. 06. 2001*



**СОҒИНЧ**

Кўзёш бўлиб  
деразангни чертади ёмғир.

Деразанг —  
юрагимнинг чашми гирёни.

Сен очмайсан.  
Деразага бағрингни бериб турасан.

Деразага урилар  
ёмғирларни,  
шамолларни тусаган,  
сени энтиктирган,  
кўкрагингдан чиқиб  
кетолмаётган,  
намиққан  
момиқ бир ҳаво.

Қайдан кўз ёш тегди ички ҳавога?  
Йиғлаган менман, ахир.  
Ичкарида сендан бўлак ҳеч кимарса йўқ.

*05. 06. 2001*

**ОМОНИМОНА**

Кўнгил,  
кўнгил!

Ҳижрон  
ижроси

бўйинда,  
бўй, инда,

гул, инда,  
кулин-да,

гул узорни  
гул узарни

ча-қир-  
ча... қир

қонталаш,  
қон — талаш,

гул терсин.  
гул терси

сингари қондир,  
синграрин қондир

унинг-да...  
Унингда

тил озар,  
дил озар.

Кўнгил,  
кўнгил

кўнгилсизликка,  
кун, гулсизликка.

*1999-2001*

**ИШҚ БАЛОСИ**

*(туркум)*

*Ваҳ, бу не ўтдурки, ўқ таъсир  
тўфондин анга...*

*Алишер Навоий*

**I**

Висол ҳижронга айланди,  
умид армонга айланди,  
замин осмонга айланди,  
нафрат бўлмади муҳаббат.

Булут ёмғирга айланди,  
қизил шамғига айланди,  
суйғи тамғага айланди,  
нафрат бўлмади муҳаббат.

Ёшим дарёга айланди,  
севинч фарёдга айланди,  
бунёд барбодга айланди,  
нафрат бўлмади муҳаббат.

Ўнларим тушга айланди,  
гуноҳим рушдга айланди,  
юрагим муштга айланди,  
нафрат бўлмади муҳаббат.

Бу кўнглим сендан айланди,  
юз бирла менгдан айланди,  
ҳижронинг мендан айланди,  
нафрат бўлмади муҳаббат.

II

Борай дейман, барорим йўқ,  
қолай дейман, қарорим йўқ,  
кўнгилни бир ёрорим йўқ,  
боргинам, сен ўзинг бормисан?

Кокилинг ҳайдар шамоллар,  
келмасинг айтар шамоллар,  
умидим майда, шамоллар,  
боргинам, сен ўзинг бормисан?

Умидим одам бўларми,  
бир кун келаринг биларми,  
тушимни ўнгга уларми,  
боргинам, сен ўзинг бормисан?

Кўнгил кўнмади ажрингга —  
Маҳшар кунгача ҳажрингга,  
не икки дунё Мажнунга,  
боргинам, сен ўзинг бормисан?

Айтаримга сўз етмайди,  
кутаримга рўз етмайди,  
келарингга кўз етмайди,  
боргинам, сен ўзинг бормисан?

III

Шамол ётди, бод ётди,  
лекин умид ётмади,  
ой ботди, қуёш ботди,  
ишқ азоби битмади.

Тушни дарёга отсам,  
ҳар тун қайтиб келади.  
Оролу Хазар ёқдан  
отинг айтиб келади.

Тушларимни қулфладим,  
ишқ зулфагин синдирди.  
ўртада сарсон суйги  
на сен-мени тиндирди.

Гулга айтдим дардимни,  
бағри қонталош бўлди.  
Кўкка айтдим дардимни,  
булутлари ёш бўлди.

Расулга паноҳ булут  
менинг бошимга ёғди.  
Ёмғир ювса кетмагай  
кўнгилдаги бу доғни...

#### IV

Сени кўрдим, фарёдландим,  
лекин куйдим жимгина.  
«Сим-сим»ладим, юрагинг берк —  
очилмади симгина.

На салом бор, на калом бор,  
на дўстмиз, на бегона.  
На Мажнунман, на Лайлисан,  
на сабр бор, на сабот.

Ёмон экан, баттар экан  
кўришиб турган ҳажр.  
Юрагингни айрилиқмас,  
не ажаб, висол ғажир.

Ёнгинамда юрган сени  
Қоф ёқлардан изладим.  
Сен сенмидинг, мен менмидим?  
баҳорландим, кузландим.

Кўзларинг намли жовдирар,  
шовдирар нигоҳларинг,  
тулмадай ерга қадайсан  
юзингга боққан сарим.

Не гуноҳки, ўртамизда  
Искандар садди бўлди.  
Иккимизни ажратмоққа  
кимларнинг ҳадди бўлди?

Юрак ичиқар чорасиз,  
чатнаб ётар музлиги.  
На адоқ бор, на хулоса,  
азоб узлуксизлиги...

## V

Иккимизга енгил бўлсин,  
ҳасратим, кел, ичайлик.  
Бу қайгулар нурга тўлсин,  
осмонларни кечайлик.

Осмон букун саёз бўлди,  
осмон букун паст бўлди...  
Ерга теккан осмонларни  
кечиб кўнглим маст бўлди.

Ерга теккан кўк товони  
юрак бўлиб ёрилди.  
Қисматим чўкди ҳижронга,  
не балолар дориди?

Қисматимни мен дарёга  
солиб юва олмадим.  
Муҳаббат — қора кунларни  
бошдан қува олмадим.

Кел, ҳасрат, қора кунларни  
шароб билан ювайлик.  
Кунлар оқарса Шириндур,  
оқармаса гар — Лайли...

## VI

Бир ўтки, ишқордаин  
юракни ўйиб борар,  
кўнгилнинг соғ ярми ҳам  
бир четдан куйиб борар.

Куйгулар қатрон эмас,  
эриётган муз бўлар.  
Йилимнинг тўрт фасли ҳам  
ўн икки ой куз бўлар.



Сени суйган кунларим  
тўкилади хазондай.  
Уни йиғиб олмайди  
фаррош шамол азонда.

Хазонни бир-бир босиб  
куздан кетиб борасан.  
Мендан ёт дунёларга  
мендан ўтиб борасан.

Ўтинг жондан ўтади,  
қондан ўтар бу тоқат.  
Ўтмагани мен билан  
шу ўт иккимиз фақат.

Мен ўтпараст эмасман,  
манқал берди худойим.  
Сўрамаган нарсамни  
дангал берди худойим...

## VII

Азобим муҳаббат,  
жазойим, муҳаббат,  
муҳаббат — сазойи  
қазойим муҳаббат,  
қазойим, художон!

Тун тун эмас — кўнглим қораси,  
юлдузлари — умид яраси,  
олис икки дилнинг ораси,  
художон!

Мен қайларга отдим олмани,  
на малак, на ҳалак олмади,  
юрагимни армон ёлмади,  
художон!

Юрак – овунч йўқотган бола,  
қалтирайди бўғзимда нола,  
битта гулсиз иккита олам,  
художон!

Кулги кул бўлди, гул бўлмади,  
кўзёш чўл бўлди, дур бўлмади,  
армон мўл бўлди, йўл бўлмади,  
художон!

Гуноҳларни кечиради вақт,  
армонларни ичиради вақт,  
азобларни ўчиради вақт,  
художон!

На кечар, на ўчар муҳаббат,  
на юракдан кўчар муҳаббат,  
тизгинсиз бир ўжар муҳаббат,  
художон!

Азобим муҳаббат, жазойим,  
муҳаббат, муҳаббат – сазойи,  
қазойим муҳаббат, қазойим,  
художон!

*Июль-август, 2001*

\* \* \*

Тун кечар, кун кечар,  
бу юрак хун кечар,  
мунг кечар — гунг кечар.  
Ойнинг гуноҳи бор,  
Ойнинг савоби.

Қароқлар — қароқчи,  
нигоҳлар — алдоқчи,  
ишқ — хато, ишқ — ҳақчи.  
Ойнинг гуноҳи бор,  
Ойнинг савоби.

Севгани фармондир,  
алдандим — армондир,  
зормандир, хормандир,  
Ойнинг гуноҳи бор,  
Ойнинг савоби.

Тушларим қонайдир,  
ичаман — талх майдир,  
мен севган гул қайда?  
Ойнинг гуноҳи бор,  
Ойнинг савоби.

Муҳаббат — айдаҳор,  
юрак ер ҳар баҳор,  
адодир у наҳот?  
Ойнинг гуноҳи бор,  
Ойнинг савоби.

Кўнгил фазосида,  
кўнгил қасосида —  
кўнгил қазосида  
ойнинг гуноҳи бор,  
ойнинг савоби.

1999

### МУҲАББАТДАН СЎНГ

Армон — жўнатилмай қолган кўҳна хат,  
Ҳеч ким ўқимаган, суртмаган кўзга.  
Юракда сарф бўлмай қолган муҳаббат  
Зард ва ажин бўлиб тепчийди юзга.

Йиртиб ташланмаган, гижимланмаган  
Армонни ҳижжалар дил оғриқлари.  
На «нима»ланмаган, на «ким»ланмаган  
Соғинчларинг тошга айланар... қариб.

Кун келар, тугайди армонлар зулми,  
Гулнинг ҳижрони ҳам тугар ниҳоят.  
Сени хароб этган шу битта гулни  
Нечун севадирсан бу қадар аяб?

Армон — гул сиғмаган манглай торлиги,  
Армон — қул сиғмаган икки жаҳонинг.  
Армон — севилмаган дилнинг борлиги,  
Армон — қўлинг эмас, кўзёшинг қони.

Энди соғинчдан-да, муҳаббатдан-да  
Ёт бир эҳтирослар юракни қамрар.  
Лабларда кулгимас, заҳар бир ханда,  
Кўнгилда аламмас, ёт туйғу амри.

Бу туйғу армонни гуноҳлар билан  
Ювмоқ истагидан топар қаноат.  
Унинг оқибатин на холиқ билар,  
На шайтон билади — мусибатпаноҳ.

На юрак билади – мактаб кўрмаган,  
На кўнгил билади – азоб кўзгуси.  
Сени умринг бўйи эзган, хўрлаган  
Ҳисга норозилик боради ўсиб.

Лекин норозилик – армон ҳиссини  
Кимнинг қони билан юварсан ҳалак?  
Димоққа ўтирган қасос исини  
Чўпчак айтиб аритарми бир малак?

Шаҳризоданг қани, дўстгинам, сенинг,  
Қани минг бир кечанг овунмоқ учун?  
Борми бу аламнинг адоқ ва эни,  
Юриб етолмаган етарми учиб?

Ўша аёлдан бахт сўрамасликка  
Сенинг йигит қурбинг келмайди нечун?  
Ўзгалар бахтидан тўрамасликка  
Наҳотки етмаса ироданг, кучинг?

Сенга бахт не керак, бахтсизлик – нега,  
Гуноҳдан тасалли излаган одам?  
Ёзиқларга чиқмоқ истайсан эга,  
Нимангдан, кимингдан қолган бу одат?..

Ҳар неки ўткинчи: қадр, бадр ҳам,  
Барини омонат яратмиш тангри.  
Фақат гуноҳ қилмоқ эрки абадий,  
Фақат юкинмоқлик имкони мангу.

*Декабрь, 1999*

\* \* \*

Ушбу кечам, ялдо кечам қорлидир,  
Оппоқ кечам, ойдин кечам зорлидир.

Дардим янги, қалбим қадим, ишқ қадим,  
Ойлара мен бошим уриб йиғладим.

Севганимнинг бағри, ёҳу, тошмидур,  
Юлдузларим юлдузмидур, ёшмидур?

Севганимнинг бағри агар тош бўлса,  
Юлдузларим юлдуз эмас, ёш бўлса,

Дардга чора этолмасман бу кеча,  
Мен тонглара етолмасман бу кеча.

*1985*

\* \* \*

Видойинг бўғзимга қадалган ханжар,  
бир сўзга дўнмаган муайян қайғу.  
Кўксимда юракмас, муҳаббат санчар —  
куйгуга айланиб қолган бир туйғу.

Айтмаслик азоби, айтмоқ азоби  
аро кун кўраман аросатларда.  
Қайтмаслик азоби, қайтмоқ азоби  
юракни емириб боради қаърдан.

Бунчалар мен сенга боғланиб қолдим,  
азобни шеър қилиб тугатолмайман?  
Яна не талбирни бўйнимга олдим:  
кўнгилни толега ўргатолмайман?

Бўзларим дунёни бузиб боради,  
менинг гуноҳимга — муҳаббатимга  
видоми ҳаётнинг сўнгги чораси,  
қисмат тўғри келмас манглай хатига.

Бошимни мушт билан силаганларим  
кўнглимга сўз солар — ҳаммаси видо.  
Менинг камолимни тилаганлар ҳам  
Сенинг келмоғингдан бермайди сало...

Келмоғинг ҳаётми, мамотми менга,  
менинг ҳаётимга арзирми дунё,  
бунча заҳмат бўлди, бунчалар эмгак,  
менинг азобимдан бўлурми бунёд.



Хаёт мавжудлиги, яшаш қурими?  
Енгаман бир куни изтиробларни,  
бор-ку ситамнинг ҳам сўрам-сўрими,  
уни қай муҳаббат билан қопларсан?

Қонимни поёндоз қилдим йўлингга,  
қон васлинг тонгини чақирмас, ажаб!  
Ўртадан сен келар сўқмоқ юлинган  
бир тола соч каби. Бузилар шажар.

Гулнинг шажараси дарахт бўлмасми,  
Жон асраб бўлурми унинг тагида?  
Бу ярим кўнгил ҳеч қачон тўлмасми  
Шамол ўйнагандай қул чўнтагида?

Қаёнсан, қай ёнсан, изларинг сўнган  
юракда кул босган кўҳна оташдай?  
Наҳот сенсизлиқка бу дунё кўнган,  
Наҳотки хотиржам кўринсам ташдан?

Ахир, юракдаги ҳар бир зилзила  
Ажин бўлиб манглайни дарз кеткизар.  
Оғриқлар юракка оғирлик қилар,  
Жони жаҳонингни муҳаббат бузар.

Шу бузғун вужудга ишқингни жойлаб,  
Кўнгил бўронларин бораман кечиб.  
Борарга чидайди на кун, на ойлар,  
Уларни умримдан ташлайман ечиб.

Умр калаваси кичрайиб борар,  
Кажрафтор чархидай емиран уни  
Сенинг муҳаббатинг кескин, тобора,  
Ўзликсиз, ўзликсиз, тунин ва кунин...

Видойинг бўғзимга қадалган ханжар,  
бир сўзга дунмаган муайян қайғу.  
Кўксимда юракмас, муҳаббат санчар —  
куйгуга айланиб қолган бир туйғу...

*Август, 2001*

\* \* \*

Сен келарсан бир куни қайтиб,  
умидларинг тирналган, қашқа,  
татимаган байрам, ҳайити,  
кечагидай эмас, бир бошқа.

Шеъримга қайтарсан, суманбар,  
тунлар уни йиғларсан ўқиб.  
Кўнглинда не гидир, гумон бор,  
бирваракай оларсан тўкиб.

Танга эмас, ситаму зорни  
зарб этади юрак зарбларим,  
зорларимни олгувчи борми,  
билмайдурман қандай сарфларим.

Мўр-малахдай келади босиб  
эҳтироснинг занжи сўзлари.  
Бахт бўларда адашган қосим  
ҳайрон ҳолим кўргани сари.

Ечим йўқдир эҳтиросларга,  
йўқдир сенсизликнинг давоси.  
Кўнгилни ҳолатга мосларга  
имкон йўқдир, йўқдир восита.

Мен сўзларнинг эрлигин бичиб  
ташлолмадим гулнинг олдига.  
Тугатолмам азобни ичиб,  
мени ичкиликлар толдирар.

Азобимга армон басталаб,  
сен тараф борарга журъатсиз,  
мен ўтарман қайғули, хаста,  
муҳаббатим мисол турбатсиз.

Менсизликка қайтарсан ҳориб,  
фарёдларинг ўтни ёражак.  
Сўқмоқлар умидлар мозори —  
шеърларимга олиб боражак!

*Август, 2001*

\* \* \*

Мен сени соғиндим, дерларимдасан,  
Дунёни тулдирдим исмингни айтиб.  
Кўзимни толдирган серларимдасан,  
Келурмисан бўм-бўш кўнгилга қайтиб?

Ҳаёт қайтмаслигинг билан жазолар,  
Менинг юрагимдай олланар шафақ.  
Кутаман, умидлар бир-бир қазолар,  
Армонга ўлим йўқ дунёда фақат.

Кўнгил қазо бўлди — ишқ ибодати,  
Қибласин йўқотган сўфий мисоли  
Мен қайга бош урмоқ билмай, тоатни,  
Нетай, ўзим билан юрибман олиб.

Тоатин кўтариб юрган шўрликнинг  
Тилаги ижобат бўлмаслигидай  
Кун билан сийласа тангри, хўрликни  
Кўрасан омаднинг кулмаслигидан\*.

---

\*Мийғи бор омаднинг фақат,  
Мийғида кулиб қарайди.  
Шу бир қарич, бир энлик кулги  
Бирор қаро кунга ярайди...

Мен минг бора айтдим-ку сизга,  
Қитиғи йўқ унинг азалдан.  
Ўқтин-ўқтин жилмаяр, холос,  
Янги турган каби касалдан.

«Аёлғу», 115-бет.

Армонлар ювмади кўнгил доғини,  
Умрлик кўзёшни йиглаб бўлибман.  
Бироқ тугамади сени соғиниш,  
Соғинмаслик эса келмас қўлимдан.

Қизғалдоқ очилар гам қирларида,  
Соғинчим сингари беором тунлар.  
Ҳасратнинг қирқ йиллик ёмғирларида  
Қолган юрак кўкрак қафасин муштлар.

Соғинч азобининг муттасиллиги  
Сенинг келмаслигинг каби ўтмайди.  
Мен сени кутарман изиллаб, нигун,  
Лекин умр кутмас, ҳаёт кутмайди.

*19. 04. 2002*

### РОНДЕЛЬ-1

Капалак – муҳаббат учқуни,  
юракдан гул сари ўрлаган,  
гулдан гулга учиб ва қўниб  
ўргимчакдай боғни тўрлаган...

Капалак – муҳаббат учқуни,  
у теккан гул ёнар – қирмизи,  
бир кунми, икки кун, уч кунми  
боғни кўмар юракнинг изи.

Ўргимчакдай боғни тўрлаган  
капалак ўчмайди... қон каби.  
Муҳаббат кўз очиб кўрмаган  
бир ёнғин рўй беради, сабил!

Бир кунга, икки кун, уч кунга  
капалак боғларда ўйнайди.  
Шамоллар тегади учқунга,  
кўнгил ўчкизгани қўймайди.

Капалак – муҳаббат учқуни...

*27. 07. 2002*

## РОНДЕЛЬ-2

Тугамас соатнинг қадами,  
давом этар вақт саргузашти  
вужудида ҳар бир одамнинг,  
бепоёндир умрнинг дашти.

Давом этар вақт саргузашти  
ишқ тўниққан қон томирларда.  
Иложи йўқ дилни кузашнинг  
вақт топтаган аччиқ сирлардан.

Тугамас соатнинг қадами,  
чопади юракнинг ортидан,  
зулҳижжами ё зулқаъдами —  
йил — ўн икки ойки, тортилмас.

Бепоёндир умрнинг дашти...

*27. 07. 2002*



**РОНДЕЛЬ-3**

Кетари. Бу нечук айрилиш,  
ёш бўлиб қароқда айланди?  
Кетмагин, кетмагин, майлими...  
Шўр жоним шу сўзга бойланди.

Ёш бўлиб қароқда айланди  
«кетма» деган бўғиқ муножот.  
Илтижо кунланди, ойланди,  
мустажоб бўлмагач на ҳожат?

Ёш бўлиб қароқда айланди  
кетарингнинг мустажоблиги.  
Бўғзимда хўрликлар майланди,  
ютарман, ютмоқ азоблиги.

Кетари. Бу нечук айрилиш...

*08. 08. 2002*

### КИМЛАНИШ

Сен кимсан — гуноҳин парвариш этган,  
Муҳаббат ўрнига, савоб ўрнига?

Сен кимсан — севгиси дунёдан ўтган  
Валекин келмаган кутган хўрлиги?

Сен кимсан — на дўст, на душман орттирмай  
Фақат изтироблар билан овунган?

Сен кимсан — умрининг тонгин оттирмай  
Худога қадрлар тилаб товунган?

Сен кимсан — ўн саккиз мингта оламдан  
Ҳеч бирининг кўзи учмаган кутиб?

Сен кимсан — куярга ғами таланган,  
Ўлмаган — умиди дунёдан ўтиб?

Сен кимсан — кўнглини тошларга уриб  
Чинни қисматини чил-чил синдирган?

Сен кимсан — йиғлаган кулиблар турин,  
Сен кимсан — кўзёшдан шеърлар ундирган?

Сен кимсан — қараши терсу тескари,  
На дўст, на душманга ўр ёғин берган?

Сен кимсан — бир осийлигин эскартиб,  
Хижолатдан кириб кетмаган ерга?

Сен кимсан — ўзини дунё устига

Кул мисол аёвсиз сочган, совурган?

Сен кимсан — унут бир суйги тусдаги

Юрагини армон билан қовурган?

Сен кимсан – на гулга шафқатни билган,  
Туйғулар қонини муттасил тўккан?  
Сен кимсан – кимлигин билмаган билга,  
Қай гулнинг ёдига кўзёшдай чўккан?

Сен кимсан – топмаган тақдир ахтари(б),  
Сомон йўл чанглари оралиғидан  
Камайиб борган сай бахтнинг хатари  
Кўнгилнинг тун каби қоралигидан?

Сен кимсан – саволдан ўзга дарди йўқ,  
Саволи – «кимарса», жавоби – «нима»?  
Сен кимсан – кўз ёши билан қорни тўқ,  
Жавобсиз суйгиси шунча ваҳима?

Сен кимсан – дунёга саволлар бериб,  
Ўрнига муҳаббат излаган телба,  
Туғаб бораётган кўнгил теримин  
Бошдан бошламоқни истаган келбат?

Сен кимсан – тани инс, хаёллари – жин,  
Муаллақликларда қотган тўрғайдай?  
Сен кимсан – умидин эшшакдай миниб,  
Гўштини ҳаромга чиқарган дайди?

Сен кимсан – қаю бир қаторларда бор,  
Не норсан, не зорсан, не хорсан, не дор?  
Сен кимсан – на шоир ва на Фахриёр,  
Не савол, не завол, не дард, не барор?

Сен кимсан...

*2002-2003*

## ОДДИЙ ФОЖИА

*Сен мен келган йўлдан кетасан,  
Мен-чи — сенинг келган йўлингдан...*

*Р. Фрост*

### I

Кетасан! Кетаман! Қарорлар қатъий,  
Нигоҳлар тешади бир-биримизни,  
Чунки иккимизнинг кетар йўлимиз  
Ўтар бир-биримиз орқали, тўғри.

Ўтмоқ изтироби, кетмоқ азоби  
Руҳдан таналарга кўчар бирма-бир.  
Паризод, кўтармоқ оғир экан кўп  
Шарпадайин бўм-бўш, сенсиз вужудни.

Шамолларга дўниб борар хўрсиниқ,  
Оғриқ ўтишингга очиб берар йўл.  
Туманга айлана бошлайди вужуд,  
Ортида мўъжиза рўй бермоқчидай.

Эҳтимол, мўъжиза рўй ҳам беражак,  
Дунёлар қолиб, сен мендан ўтганда.  
Мендан ўтишингни кимдан яширар  
Бу ҳаёт туманлар ортига бунча?

### II

Туман — тусмоллардан иборат хилқат,  
Сенинг ҳақиқатинг билмагай ҳеч ким,  
Ўзингдан бўлакка бўлмагай аён  
Оғзингда туфланмай қолган тўла қон.

Сенга не қаноат аёнсизликдан,  
Таскин бўлармикин ёв онгсизлиги?  
Бу лаҳза муқаррар йўқотиш қолиб,  
Ёв фикрин ўйласанг, ўйлаганларинг.

Ўтмишингни бера олса қайтариб,  
Тақдирнинг ҳукмига тутмасдан қулоқ,  
Яшасанг бўларди ҳаёт кетига  
Шапатилаб ёки эрмакка тепиб.

Супуриб кетмоқчи бўлганда тақдир  
Ўзингни ўзингдан ёвни ўйламак,  
Унинг кўзларига далли кўринмоқ  
Ўйидан қўрқмоқлик худосизлиги

Сени ўз кўйига бошлаб кет(ар)са,  
Ўзингдан «сен»ларнинг ўтгани не наф,  
Ўтмагани не наф, не наф муҳаббат,  
Не нафдир суйгининг изтиробидан?

Ишқни армон эмас, фикр ўлдирар,  
Қўрқув ўлдиреди — гизланган тама.  
Сендан муҳаббатинг ўтмоқда, ахир,  
Бўм-бўш вужудингга чим бос, ҳечқурса.

Мағзини йўқота бошлайди тана,  
Тарҳга айланади тахтадай шакл.  
Вужудинг шаклида тешиб ўтади  
Сени сендан кетаётган муҳаббат.

III

Муҳаббат инсонни ўпириб кетса  
Қандай бўлишини контурларингдан  
Англаштириб турар тирандоз ҳаёт.  
Одамки, ўзида ўзи йўқ бўлса.

Жисминг ўрнидаки, шамоллар эсса,  
Сенинг шаклингдаги ўжар бир қуюн...  
Сени йўқотганин сезмаган дунё  
Ўзга тақдирларда этади давом...

*29. 04. 2002*

\* \* \*

ёзилмаган шеърлар  
ўқилмаган китоблар  
рўй бермаган муҳаббат  
сарфланмаган эҳтирослар  
гуноҳи

*16. 12. 2002*

---

## ЎНГАРИЛГАН ТУШЛАР

---

### ТОНГ ТАШБИҲЛАРИ

кўйлагини ечаётган аёлдай  
тунни йиғиштириб олар табиат  
борлиқ устидан  
ва уни  
фаришталар тахмонига солиб кўяди  
тун худонинг омонати  
юлдузлар омонатга тушган куядир  
тунни илма-тешиқ қилиб ташлар юлдузлар  
тунни дорилашга етмас нафталин  
ой туннинг кўйлагини  
юлдузлар еб ташлаган қисми  
рахмдил баҳор  
ой йиртиқни булутлар билан ямар  
юлдузларни эса  
кўйлакнинг зарлари деб ҳазиллашар  
фаросатли фаришталар  
осмон тоза осмон қоп-қора  
юлдузлар  
негативда кўринаётган митадай  
оппоқ ва порлоқ  
дориланинг келмайди юлдузларни  
тонг-чи  
тун ҳақида  
тонгга етиб олмай туриб  
бундай дангал ёзиш мушкулдир

06. 08. 2001



### ҚИШКИ ИН

қишки ин етимлиги  
ундан ҳеч ким сўрамайди етимлик нималигин

фақат  
садақага бир қуш сўрайди  
битта сайрам сўрар  
гадонинг ҳовучидай  
бўм-бўш қишки ин

чўнтагида бирор қуши йўқ осмоннинг  
кўзи ёшланар  
қараб иннинг бўм-бўшлигига  
ноиложликдан  
қор ташлайди инга ранг-қути ўчиб

қор учқунлари  
қаҳратон қоқиб олган юлдузлар

инга юлдуз эмас  
қуш керак  
тиланчи тилаган нарсасининг  
отини айтиб сўрамас  
унга қарға бўлса ҳам майли  
сайроқ бўлса бас

қаҳратон қарғаларни  
дарахтларнинг шохига илиб қўйган  
янги йилни қаршилаётган  
урён дарахтлар бенасиб қолмасин дея

дарахтлар емайди ўз мевасини  
биноқ очарчиликда  
мева еб омон қолгучи  
пайғамбарнинг таваллудин кута-кута дунёнинг  
кўз косаси ўйилиб кетган  
қишки ин бўлиб

бу косага май қуйиб ичган  
хато қилмасмикин хатоий янглиф  
ва шеърлар ёзмасми  
қишки ин етимлиги  
хусусида иссиқ ўлкаларда қишлаётган  
турналарга ёлвориб

ўйиқ кўзларидай ҳайкалнинг  
ин  
осмонга тикилиб ётар  
унинг кутишларида  
кўклам интизорлиги

интизорликни  
у тортмайди кўрпа қилиб устига қаҳратонда

У очик кўз  
бу дунёдан ўтиб кетган бирор армонли зотнинг  
очик кетган  
тупроқ тўлмаган  
тупроқ тўйдирмаган кўзимикин ё

қушлар қайтиб келса юмилар  
ўша кўз

*26. 11. 2001*

**ТУНГИ ҲОВУЗ**

осмон ёнбошлайди ҳовуз четига  
юлдузларин унга тўкиб ташларак

сомон йўли чангларини ювиб олар юлдузлар

ҳалқоб қузғалади ҳовуз сатҳида

еллар

чуқур-чуқур нафас олаётган

осмоннинг кундузги ҳордиқлари

чўмилиш кийими эздан чиқиб қолган ой

набийлар ҳамроҳи

булут ортига беркинар

ҳовузнинг бир четида

чўмилаётган ойни

томоша қилгиси келар осмоннинг

ҳалқоблар булутга бориб урилар

тарқаётган осмон ҳордиғи

булутни ҳайдай олмас

толиблардан озод бўлган ватанда

паранжисин ташлолмаётган

афғон аёлидай ой

юлдузларга қўшила олмас

*26. 11. 2001*

### ҚАЙРАҒОЧ

қалдироқдан дарз кетган осмон  
кузга бориб чўка бошлар қаричма-қарич  
ерга тегиб қолар баъзи четлари

осмонни четидан синдириб емас  
оч қолганлар ҳам  
макруҳ

осмон ёриқларидан  
ёғинлар тўкилар қурғоқчиликдан  
устма-уст уч-тўрт йил  
қақшаб кетган заранг ерларга

кузги осмон босиб қолай дейди борлиқни

ҳовлидаги якка қайрағоч  
суяб турар чўкаётган осмонни

*26. 11. 2001*

**ВАҚТ**

сен вақтга айланиб борасан  
ҳаёт  
туйғулар такрорида  
умидлар такрорида  
муттасиллигида изтиробларнинг

на сенинг на бирор ўзганинг  
гуноҳлари эвазига келмаган  
тақдир аталмиш  
сабабсиз ва тинимсиз изтироблар  
манглайга тирналади фожиа бўлиб

вақтлана бошлар фожиа

вақт муваққатлиги  
абадийдир кўнгилдаги суйги доғидай  
бир йигит умрини қамрар бус-бутун

Қай бир машойих  
ҳар қандай абадият  
бир инсон умридан узоқ давом этмагай  
деганида эҳтимол ҳақдир.

биноқ мен у қадар золим эмасман  
абадиятни  
қамамасман бир умр қўтонига

эҳтимолки умид бўлиб туйғулар бўлиб  
шакланган вақт  
ўткинчидир, онийдир бизнинг  
истакларнинг зидди ўларак

эҳтимолки абадият таркиби  
кечинмалар фожиалар сифимидан иборат  
ҳам эмасдир

эҳтимолки фожиалар давомийлигин  
эрмакка эвириб олган бир дарвеш  
абადийлаштириб олар ўзича  
вақтни эгарлаб олган  
мафкурадайн

вақтнинг ёлларига ёпишиб олган ҳаёт  
муваққатликлардан иборат абадият идишин  
менинг туйғум билан  
кечинмам билан  
фожиам билан

тўлдирмоқ истадингми

Қудуққа ташланаётган пақир овозидай  
қулоққа чалинар  
бўм-бўш абадият жаранги  
қудуқ тубидаги ҳаёт устида

*15. 12. 2001*

**КЕЧИНМА**

*...the best way out is always  
through...\**

*Robert Frost*

ким ўйлаб топган экан бу сўзни  
идишга ўхшаш бир сўз  
нимани жойласанг жойлашаверар

бемор иштаҳасидай  
нозик эмас сўзнинг таъби у қадар

гуноҳ каби умрни кечирмоққа  
дунёга келган банданинг  
ўзга имкони йўқдир

кечинма  
умрни кечирмоқ жараёнида  
банданинг кўнгилга туккан туйғулари  
бўйиндаги сиртмоқ каби туйғуни  
кечирганинг эвазига  
ким ечиб олади  
билмайсан

кечинма  
сиртмоқдай маҳкумлиқ  
ўқилмаган ҳукмнинг шарпаси  
муқаррар қатл

---

\* Энг зўр чиқиш йўли ҳамيشа орадан ўтади... Р. Фрост – америкалик шоир.

Ҳар ким бўйнида  
бир сиртмоқ қатлни кўтариб юрар  
кечинма қилиб

ўлим кўрқинчимас  
фақат кечинмага чидаб берсанг бас  
фақат тасаввурга дош берсанг бўлди

кечинма  
сиртмоқ каби  
бу дунёда ечилмас

кечкининг  
кечиргининг қолдиғи  
кечинма  
13 рақами каби  
ҳеч нарсага бўлинмас парчаланмас  
унинг  
катгалашиб бораётган яхлитлиги  
юракни ёради қоқ ўртасидан  
ҳаёт ва мамотга тенгдан насиба  
улашади одил кечинма

кечинма  
кўнгил ҳукми

адо этилмагунча  
ҳукмдан қутулиб бўлмайди

*15. 12. 2001*



## ЁЛҒИЗЛИК

туда  
меъдасига ёлғизлик ботган  
беморлар ширкати

бирок яшаш зарурияти  
чора ахтаришга мажбур этади  
бутун ёлғизликни истеъмол  
қила олмаган ҳар бир беморни

улар ёлғизлигин навбатма-навбат  
ҳовончада туяр сичқондоридай  
ва бўлишиб олар мисқоллаб  
истеъмол учун

бутуни кўплик қилар  
ёлғизлик кўп бўлмас ҳеч қачон

ёлғизлиги бўлмас тўданинг  
ё урвоқдай келади келса  
ёлғизлик катталиги

ёлғизликнинг юзи бор фақат  
тўданинг юзи йўқ

*19. 12. 2001*

## ҚОРА ШУЪЛА

### I

оёқларинг остидаги ер  
ё пиримлаб  
туриб кетар ўрнидан

соя тикка турар ерга суяниб  
сенга тушар соянинг кўланкаси

сен ва соя оралиғида  
бўшлиқ пайдо бўлар офтоб тушмаган

ер қаъридан келаётган қора шуъла  
бўшлиқни тўлдирар

нур ўтмаган бўшлиқ тўлар қора шуълага

тикка турган ер  
сени тутиб турар шу қора шуъла билан

ётсанг фақат соя томон  
ётишинг мумкин дир акс томонга  
қора шуъла қўйиб юбормас

### II

соя ичидаги шуъла  
ола бошлар сенинг шаклингни

негатив шуъла  
сенда ўнглаб олар ўзини

зулматдаги шуълалар  
сенинг вужудингда кунга чиқади

соя сен ва замин оралигида  
содир бўлган кундузги тундир

### III

қора шуъла булғанмас нур каби  
булғанч осмонларга қўйиб юбормас  
сенинг вужудинг

нурнинг қаршилиги туфайли  
соя вужудингни тешиб ўтолмас  
нур ва шуъла сенда тўқнашар  
осмон билан ер тўқнаш келар  
ҳамда тутиб турар вужудинг тикка  
Андрей Вознесенский айтган  
аёл тортиш кучидан ўзгача тарзда

### IV

ерни тешиб чиқади шуъла  
жуссанг шаклида

шуъла эрк беради сенга ҳар куни

*12. 02. 2002*

### ГУЛ АТРИ

тўғри чизиқ бўйлаб тарқар гул атри  
гул атрини синдирмас

мабодо шамол  
уни эгса ғижимласа синдирса  
гул атрининг синиқларидан  
қайғулироқ нарса йўқдир очунда

синдирмаслик учун гулнинг атрини  
дунёга келганимиз билмайин  
яшабмиз  
бирор кимдан рухсат ҳам олмай

гул атрининг синиғи жарангида  
тумов тушлар акс садоси  
акс садони  
ўнгариб ололмай қийналаман

бу дунёда менинг вазифам  
тушларни ўнгармоқ бўлди ҳар қачон

синиқ гул атри  
тушлардаги бахтнинг сояси

бу соя тушнинг ортидаги нур манбаи  
қўнимсизлиги  
сабаб лопиллайди ўнгимда

нур синдирар гул атрини

*2002, 12 феврал*

## ДАМ ОЛИШ КУНИ

бугун дам олиш куни

мен ўзимга четдан қарамоқ  
ва миянинг фикр тўлдириб  
ташлаган жойларин тартибга  
келтирмоқ учун  
тушунчаларни  
бешинчи қаватдаги уйим деразасидан  
сигарет қолдиғидай  
асфальт кўчага отиб ўйнайман  
менга ёқар уларнинг  
тақиллаб асфальтга урилишлари  
ва мияси чайқалиб  
дабдираши ёқар жудаям

садист бўлгиси келар гоҳида зериккан одам  
ҳарқалай  
уришгандан кўра хотинни  
фикрларни тушунчаларни  
қийнаш маъза эмасми

офтобада жимирлаб ётар фикрлар  
сочилган кўйи  
бирин боши ёрилган  
бошқасининг қонаган бурни

анча енгил тортаман

кўчадаги тушунчаларни  
тепадан кузатмоқ завқини  
ҳар кимга ҳам бермас яратган

бу эрмак ҳам жонимга теккач  
уйга кираман  
ва миянинг бўшаб қолган жойларин  
тўлдирмоқ қасдида  
китоб ўқийман бир пас  
ўзимдан ҳам қайсар  
ўлиб кетган худоларнинг ўрнин тўлдирмоқ учун  
дунёга келган  
Ницше китобин

сўнгра андак кўз илинади

бир пайт хотиннинг туртишидан  
чўчиб уйғонаман  
жон ҳавлида кўрпачадан  
ирғиб туриб кетаман  
ва ундан сўрайман тинчликми дея

мана булар сизникими дер хотиним ҳовлиқиб  
ва етти яшар  
қизчам ҳовучидаги боя ўзим отиб ўйнаган  
фикрларга қилар ишора

қизчамнинг ҳовучида  
сувдан чиқиб қолган тангабалиқдай  
оғзин каппа-каппа очиб питирлар эди  
ўзим деразадан кўчага отган  
постмодернизм  
метаҳикоя  
ва деструкция

*2002, 9 март*

**НАВБАТ**

жовондаги китоблар  
сенга ўқилишга навбатга турар

сендан ўтмоқ учун  
навбатга турар кунлар  
баъзан сигмай қолар битта танангга  
келажакдан бирваракай келган кунлар  
ойлар сендан бир кунда ўтмоқ бўлар  
вужудингга сигмаган кунлар

ҳаёт дунёдаги энг ирганч нарсаларни  
сенинг юрагингга филтрлаб  
туйғу  
адреналин ясамоқ учун  
қатор қилиб териб қўяр келгуси кунларингга

юрак бояқиш  
қон ўрнига  
туйғуларни ўтмишга ҳайдар  
ўтмиш тўлиб борар қанордай  
туйғули хотирларга

китоб моддийлашган ёвузлиги шоирнинг  
унинг арвоҳи  
бизнинг кечинмалар билан тирикдир  
ўтмиш қанорига тиқилган  
кун кўради туйғуларни еб

қайсидир арвоҳнинг абадийлиги  
сенга навбатга турган  
қай китобни қўлга  
олишингга боғлиқ жудаям

*2003, 16 март*

\* \* \*

тун сочиб юборар одамни  
парчалайди бешафқат  
зулмат қадар кенгайсан тунлари

юлдузлар  
сенинг сачраб кетган хаёлларингдир  
сен шўрлик  
кундузи ҳарф  
кечаси юлдуз бўлиб сачрайсан

юлдузлар ҳарфларнинг позитивидир

хотирага кўчган кунлар  
учган юлдуз бўлиб бир-бир уча бошлайди  
ўз учқунларинг  
кул бўлиб бошингга ёғар тун бўйи  
тонгни бўзартирар учқунлар кули

эрталаб ўрнингдан туролмаганда  
қийналасан йиғиб ололмай ўзни  
сен  
тунга сочилиб кетган бир одам

кўнгил қолиб кетар қайси бир тушда  
хаёл ойдан қайтиб келмаган  
яшаш истагини хотининг  
топиб берар аллақайси бўғжамалардан  
бўйинбоғ шаклидаги яшаш истаги



Ўрнингдан турасан сўник ва зилдай  
тунда эҳтирослар оққан томирдан  
эрталаб хафа қон оқар

зилдай вужудингга яратган  
ҳаммасининг ўрнига  
жойлаб қўйган бош оғриғини

*09. 04. 2002*

\* \* \*

кераксиз нарсалар табиийлиги

ортега-и-гассет уларни  
жамиятдан ташқарига  
чиқариб ташлаган эди бир пайтлар

кераксиз нарсалар ёввойилиги  
севилмаган қиз юрагидай  
асов ва ўжар  
бу юракни муҳаббат жамиятга  
судраб киритиб бўлмас  
жамиятнинг ўзи унга  
кирмоқ учун розилик сўрар

гул ҳеч қачон жамиятга кириб келмайди  
жамиятнинг ўзи гулга қараб чопади

жамият ўз сарҳадларин ҳамиша  
кераксиз нарсалар ҳисобига кенгайтар  
ёввойилик сари кенгайиб борар  
хонаки ҳаёт

кераксиз нарсалар зарурияти

22. 04. 2002

\* \* \*

ҳар бир фалсафа  
хулосалар ясаб олади  
воқеалар такроридан  
дунёнинг устидан  
ҳукм юргизмоқ учун сўғинча

ҳукм  
келажакка дахл қилади ҳамиша

ўтмиш тажрибаси билан келгуни  
идора этмоқнинг адолатсизлиги  
хатоларнинг муқаррарлигин  
яшинқайтаргичдай  
қайтара олмас

юракка уриб кетар хатолар  
юракни уриб кетар хатолар

фалсафанинг юрак билан иши йўқ

совуққон фалсафа  
фикр юритади бамайлихотир  
ҳукмнинг ноўрин бўлганлигидан

фалсафа ҳам пайғамбар мисол  
хато қилмас ҳеч қачон  
ҳукм эмас, фикр юритад  
хато ҳукм оёқ ост қилган ҳаёт ҳақида  
вазминлик билан

худди илон индан чиқмаганидай  
худди қулаб тушмагандай бошингга осмон  
худди ерга кириб кетмаганингдай  
илон ўрнига

таассуфки бу фикр  
ҳукм бўлар янги бир фаолиятга

*30. 04. 2002*

### ИЗТИРОБ ТЕНГКУЧЛИЛИГИ

тириклик тирикчилик  
осмон қайғусидан кўкарап  
кўкаламлар кўкаради осмоннинг кўз ёшидан  
кўз ёш билан яшаради коинот  
кўнгилларни ювиб беради

осмон менга раҳминг келмасин  
мен ўзимдан қолганим йўқ ҳали осмон  
муҳаббатдан қолгани билан бу юрак  
менинг гуноҳларим ювиш шарт эмас  
кўнгил доғларини яхши кунларимга асрайман  
муҳаббат ўрнини босар армонлар

йиғлаганнинг йиғлаганга раҳми келиши  
шарт эмас  
изтироб тенгкучлилиги  
юкламайди бир-биримизга  
раҳм-шафқат мажбуриятин  
шафёликка сену мен эмас  
ярар Тереза она

менинг кўз ёшимдан  
кўкаради ўша муҳаббат бахти

30. 04. 2002

### ХУДБИНЛИК

юракни қантарасан

онтарилар онтологнинг кўз қарашидай  
тусини ўзгартган битта тушунча  
дунё устига

ортиб кетар мумкинлик эҳтимоли  
ўзинг учун яшашнинг

бирор кимни суймай туриб ҳам  
бирор кимга куймай туриб ҳам  
яшаш мумкин экан бемалол  
яшамаслик мумкин экан ундан ҳам

яшамаслик мумкинлигин илож деб билган  
аянчли қўнгил  
ўзини аямас худбинлик ҳаққи

юракни қантарасан

*30. 04. 2002*

### СУКУНАТ

сукунатни ҳуркитиб юборар  
юрак уришинг

дарахт шохига қўниб  
ором олаётган қушчанинг  
тинчи бузилганидай  
учиб кетар сукунат  
жануб бўлмаган хилват жойларга

юрак уриши куз эмас  
қушни чўчитгани жануб қадар  
куз ҳаётнинг юрак уриши

ҳар бир юрак уриши  
ўлим сари битта қадам бўлгани янглиф  
ҳаёт юрак уришидан  
хазонлар тўкилар  
ёзги шовуллашлар хотираси  
қушлар сайроғининг хотираси  
хотира бўрони  
сукунатнинг оромин бузар

*10. 05. 2002*

### **ДУНЁҚАРАШ**

қилич шаклидаги бўйинбоғ  
бўғма илон шаклидаги бўйинбоғ  
дунёқарашнинг  
тажовузкор кўринишлари

бўйинбоғдан дор ясамай туриб ҳам  
бўғма илон қилмай туриб ҳам  
қатл этса бўлар одамни  
ўзининг ашаддий дунёқараши билан

дунёқараш тажовузи

*10. 05. 2002*



## ТУН ҚУЮҚ

куй каби  
тутун каби  
аччиқ ва қуюқ тун

муножот қоплайди борлиқни

юлдуз каби жимирлайди жон  
орқага тортиб кетади юрак  
ёнарқуртдай милт-милт қилиб қочади хаёл  
кундуз қолдиғи

муҳаббат ёнғини ялаб ўтгандай  
ваҳимали тун  
қуюқлашиб борар бўм-бўшлик сари

бўшлиқ қуюқлиги  
ийғланмаган кўзёшларнинг ўрнин тўлдирад

тун қуюқ  
бўшлиқ тошга айланар  
бағир

бағир тўнқуюқнинг қабр тошидир

куй бағирни кесиб ўтади  
куй кесган бағир  
тўлмайди

туннинг қуюқлиги ҳам  
куй кесган жойдан  
тўкилади шовуллаб

кўнгил сувнинг тубида ётган  
тубсиз идиш

унинг бўм-бўшлигини  
тунга ботиб турган кезлар сезиб бўлмайди

аччиқ ва қуюқ тун

*11. 08. 2002*

---

## СОНЕТАРИЙ

---

\* \* \*

Ҳаёт юрагимни тилкалар  
сочларингдан ханжарлар ясаб.  
Вайрон кўнгил отли ўлкалар,  
Севги билан ичаман қасам!

Сочинг ханжаридан озорлар  
Келур дилга, ўзинг келмассан.  
Юракда умидлар мазори  
Ортар фақат, карам қилмассан.

Музлаб қолган юрак чатнайди,  
Чақнаб ётар ҳажринг юлдузи.  
Кўнгил сен тарафга қатнайди.

Мен тоғ эмас, армонга ботдим,  
Тўлқинлари кўмар юзимни,  
Мавжларининг остида ётдим.

*05. 02. 2000*

## СЕНСИЗЛИК

(туркум)

### I

Лаҳзада севгимиз қариди,  
Сочларини бўяр унинг тун.  
Не ғамки, висолинг ариди,  
Дафъатан, мен севилмаган кун.

Кетар жафосининг изнини  
Гул бўлиб баҳордан сўрмадинг.  
Билмон, мен туғилган кузними  
Қолмоғингга раво кўрмадинг?

Куз ҳам ўтар севгинг мисоли  
Сувда оқаётган хазондай  
Муҳаббатим юзингга солиб.

Сен ўзингга олмайсан уни  
Олмаслигинг ўтмоқда жондан,  
Қолмасингга қолмоқда куним.

### II

Бахтиммиди сочларинг – қаро,  
Ўпган, суйган, суртган кўзимга?  
Сочларинг – бир сим-сиёҳ шарор,  
Бахтимизни куйдирар зимдан.

Суйган ўзим, куйган ҳам ўзим  
Ишқ аталган аламзорларда.

Сенга етмай тентирар сўзим  
Шеър унмаган қаламзорларда.

Видо фасли – айни намозгар  
Кун қон қусар волаларимдан,  
Муҳаббатим ақлдан озган.

Не қиларин билмайин турар  
Сенга йўл қараган саримдан  
Шафақларга узини урар.

### III

Шамол бўлиб кўйлақларингдан  
Тортқилади нигоҳлар бўзлаб.  
Кетма, деди, тутди барингдан,  
Сочларингда адашди сўзлар.

Не сўз эди, қорайди туйқус,  
Сочларингга қўшилиб куйди.  
Не қисматки, сўз ва соч уйқаш,  
Не бахт, мени ҳижронинг суйди?

Кетма, дедим, кетавердинг сен,  
Бу кўнгил эргашди ортингдан,  
Юрак кетди, қолавердим мен

Армондай шип-шийдам, чамаси.  
Мендан қадамларинг тортилган,  
Менда энди ҳеч ким яшамас.

IV

Сенга кетмоқ бахтиёрлиги,  
Менга қолмоқ азоби насиб.  
Кетмаслигингга зорлигим  
Қолмоғингга эмас муносиб.

Йўқдир ўзингдаги мен билан  
Ишинг. Сендан қандоқ ўтарман?  
Ўзни сенда олгандим тилаб,  
Энди ўзни кимдан кутарман?

Ўзингдаги мени қайларга  
Ташлаб ёхуд олиб кетарсан?  
Қай заминга, қаю ойларга

Сочадурсан ғазаб сингари,  
Эҳтирослар тугилар — харсанг,  
Кетмас юрагимнинг синграри.

V

Умидларнинг кулини сепдим  
Мен бошимга, оқарар сочим.  
Қолавердим, қаёнлар кетдинг,  
Сен мендаги ўзингдан қочиб?

Ҳижронам, баҳорлар қайтади,  
Изларингни чечаклар кўмар.  
Фаминг илинжларни ҳайлади,  
Соғинчларни кетди ўмариб.

Ёдинг билан яшамоқ оғир,  
Яшамаслик оғир ундан ҳам,  
«Кезмоққа боғ, ботмоққа тоғнинг —  
Йўқлиги» сен бўлдинг. Сенсизлик —  
Менинг касбим, менинг вазифам.  
Муҳаббат — армонли тенгсизлик.

VI

Кўнгилда айролик мавсуми,  
Видо туйғулари сондирар.  
Сўнаётган шам каби умид  
Юрагимни оғир ёндирар.

Парпирайди умидинг шами,  
Дўниб борар умидсизликка.  
Сен кетган йўлларга — бир ками —  
Қорлар ёғар. Қор — изликкина.

Изларингни кўмар қирмиз қор,  
Яралари битмас хотирнинг,  
Тугамайди бу ситам, бу зор.

Дунё тугар, ҳижрон йитмайди,  
Ниҳояси йўқ асотирнинг:  
Куйгунг келар, куйгунг кетмайди.

VII

Кўнгилда умидлар исёни  
Ҳажринг дарвозасин тепади.  
Армон умидларнинг қонига  
Висолинг хокини сепади.

Юрак – умидларнинг мозори,  
Уни ҳеч ким зиёрат этмас.  
Дилдан унутилмоқ озори  
Муҳаббатинг мисоли кетмас.

Сен эсанг, сен кела олмассан,  
Дилдан кета олмаганингдай.  
Ёдимни ёдингга солмассан...

Тушларимга умид ҳамласи  
Бирдай, ўндай, юздай ва мингдай,  
Битта васл бўлмас жамласанг.

### VIII

Сенсизлигим кўнгил тарзимдир,  
Фалакни тўлдирди зорларим.  
Атиргул худога арзимдир,  
Арзларим гул бўлиб порлади.

Мўралайман кўкларга кўрқиб,  
Гулларимдан силқийди қонлар.  
Висолимга ҳаёт бер, Кўрқут,  
Умидимга ато эт жонлар!

Қонлар теккан қанотларини  
Булутларим ҳорғин силкир ва  
Сузар номаълумликлар сари.

Номаълумликларда бормисан,  
Улки нечук издиҳом, зирва,  
Мени енгдинг ихтиёрингдан?



IX

Мен сени йўқларман, борларман,  
«Умидимнинг шамини ёқиб»<sup>1</sup>.  
Чорларман, «ёр»ларман, зорларман  
Худо ҳаққи, муҳаббат ҳаққи.

Висол хавфи борар камайиб,  
Хавфсизликдан даҳшатга чўмдим.  
Бу не ойин, бу не тамойил,  
Хавфсиз кўнгил бадбахт ва бўм-бўш?

Излари сен бўлдинг, сизлари  
Ким бўлар, не бўлар, ноаён.  
Чўкиб бормоқдадир тизларим.

Борларимда бормисан, малак,  
Йўқларимда йўқмисан ва ё,  
Ҳалаклигим бўлмасми ҳалок?

X

Бу ҳаёт тушмидир, ўнгмидир,  
Қай биридан кетдинг, паризод?  
Сени тополмасман қидириб,  
Теварагим гарчи паризор.

Дунёмиди, сенмидинг рўё,  
Йўл бормиди сенга элтгали?

<sup>1</sup> Чўлпоннинг «Амалимнинг шамин ёқиб изладим» сатрига ишора.

Билмадим, не бўлмоқда рўёб,  
Билмам, ненинг келмоқда гали:

Жудоликми – тонг каби отар?  
Сенсизликми – бешумор ситам  
Ҳажринг бўлиб кўксимга ботар?

Галлар келар, кетади галлар,  
Минг куйин, минг иста, истама,  
Имкондан хориждир амаллар.

*2000 - 2001*

\* \* \*

Умид йўлларида адашди баҳор,  
Баҳор йўлларида адашди умид.  
Кўнгилдан занг эмас, тўкилар оҳор.  
Хаста бир бемордай кўзлари юмуқ.

Бадимга уради ҳижроннинг васли,  
Ўйинг юрагимни боради ўйиб.  
Не йил – ўн икки ой изтироб фасли,  
Табиат ҳукмига эгмайди бўйин.

Суйгига алдандим, алдандим ёмон,  
Суйги худо бўлиб мени алдади,  
Юзимни қибладан бурди гул томон.

Гул нима?, кул нима?, умид нимадир?,  
Суйги не дегани кўнгил олдида,  
Баҳор деганлари не ваҳимадир?

05. 02. 2000

\* \* \*

Бир кеча минг кеча бўлган бу кеча.  
Баҳорлар киреди вужудни бузиб,  
Қирралари ботар кўксимга неча,  
Юрак – қаршилиги бўлмаган узв.

Дил оғриб соғинар, соғиниб оғрир,  
Армон шаклланиб келар умиддан.  
Сенсиз аламларга, ғамга мустағриқ  
Кўнгил ҳижронингни қилолмас удда.

Армон фан бўлади фақир кўнглига,  
Бахт ётар, тахт ётар, ётмайди армон.  
Тушларим сўллими, ўнгим ўнглими?

Ўнглар азобидан тушга қочаман,  
Билмадим, бу нечук ваҳий ё фармон,  
Тушлар эшигини сенга очаман?

28. 06. 2000

\* \* \*

(«Аёлғу» достонидан)

суйгилим суй гулим суйги лим  
юракларим кўзимдан тошар  
мени енгиб бормоқда ўлим  
сени эса қийнайди яшаш

куймоқ бўлди менинг насибам  
бахтиёрлик сенинг қисматинг  
бахтми зомин бўлди масиҳам  
бахтимизга бахт мусибати

сени излаб тентар хаёлим  
икки жаҳон оворасиман  
сенчи ётсан бахтнинг аёли

юракларим кўзимдан тошар  
қисмат бўлди кўзлар қароси  
қошлар аро айрилиқ яшар

\* \* \*

Бўғзимдан сирқирар товуш – қон,  
гул – менинг энг сўнгги сўзимдир.  
Ибтидо, интиҳо овушган,  
муҳаббат сен берган тўзимдир.

Мен уни қадайман кўксимга,  
юрагим товондир – ёрилар.  
Сен мени севмагин, ўксима,  
тошбағир бўлади парилар.

Мен сени гуноҳкор этмасман,  
суярман, куярман, бошимга  
етар ишқ, мен сенга етмасман.

Юрагим товондир – тўлайман  
ойлигим, бойлигим – лошимни.  
Кўзимни сўзимга улайман.

1998

**ҲАДИК**

Эртага, эртага, эртага  
видо тушар, ўртага видо.  
Алвидо, гул, кўнгил эртаги,  
ўзинг сабр бер, собир худо.

Пешонага кўнмайди кўнгил,  
гарчи энди видо айтадир,  
гарчи энди умидлар сўнди,  
гарчи энди сендан қайтадир.

Сочинг дарёсида ювмаган  
гуноҳларим кечирмас эгам,  
гарчи ҳеч кас мендек севмаган

ва мен каби куймаган. Нега  
эртага, эртага, эртага  
видо тушар, видо ўртага?

*1988-1989*

\* \* \*

«Имло луғати»дай ёлғизлик,  
аруз каби бир рустамлака.  
Қишки дарахт каби ҳолсизлик,  
шеърсизликдай тақир мамлакат.

Нигоҳингдай сассиз бир товуш,  
нафрат каби замҳарир чилла.  
Модерн қофиядай ковуши  
пойма-пой ва йиртиқ бир миллат.

Мангуликдай адоқсиз сабр,  
карвон каби иярувчан феъл,  
хуш сингари алоқ-жалоқ туш.

Ғоя каби ўтирик таъбир,  
бахтсиз каби саодатли эл,  
озод каби тутқун битта қуш.

1987



\* \* \*

Тийрамоқ боғлари рутубатлидир,  
кезинар, эзинар телба рухунат.  
Ёмғир бўлиб бўзлар сағир сукунат,  
ичингда ўрмалар куйгин бир гидир.

Гулим, баҳорларда кетдинг сен қолиб,  
орамизда тўқсон, бир қишлик йўл бор,  
тароқдан ўрмону ойнадан кўл бор,  
на оҳим етгайдир, на қийлу қолим.

Тушовин узолмас вақт — арғумоқ,  
чилтаннинг қўллари қанотга дўнар.  
Кетарман, бу ерда қолмоғим гумон.

Кетарман, изимдан хазонлар ҳайдаб,  
шамоллар эргашар. Дарахтлар тўнар.  
«Бор-ҳо, кел-ҳо, ҳамалам-ҳа, йўл қайда?...»

1999

\* \* \*

Сен мени алдайсан туш каби,  
баҳорлар келади, келмассан.  
Жанублардан қайтган қуш каби  
менинг кулбам қаён, билмассан.

Юлдуздан сўрайман – девона,  
мен сени ойлардан сўрайман.  
Куядирман шамсиз парвона,  
самандардек кулдан тўрайман.

Сен мени алдайсан, гулгина,  
кимнинг боғларига қайтарсан?  
Кўнглим синар, муз бўлиб синар.

Сен мени алдама, алдама,  
суйдим деб кимларга айтарман?  
Умид соғинч идроғин ямар.

1999

\* \* \*

Зулхумор кеча кўк ой сийнасида  
юракнинг ризқи бор, севиб кутади.  
тунлар сийнасидан истар насиба,  
осмон булутлардан лачак тутади.

Осмон қизғанади, бермас ойини,  
мен эсам тунларга юракни бердим.  
Ишқ бўлди, ой бўлди унинг қойими.  
Умид боғларидан маломат тердим.

Энди у не кунга, тунларга қолди?  
Сигиниб суяди, куяр соғиниб.  
Суйдирмоқ бўлдим-у, куйдириб олдим.

Қияр насибасин қисмат қайчиси,  
ой кусуф бўлади фалак тоқида.  
Гул — наргис тунларда куйган Ой иси.

1999

\* \* \*

Юрагимнинг қадоқларин кўзларимга  
суртдим мен,  
дил дардларим тупроқ бўлди, тўлмас  
кўзим косаси.

Муҳаббатнинг алдоқларин кўзларимга  
суртдим мен,  
сенсираган соғинчларни алдаб юрдим асосан.

Сунбул-сунбул соч бўйидан хотиралар  
маст бўлса,  
мен орзулар куюгини димоғимда туярман.  
Келганларинг ёлғон сенинг, кетганларинг  
рост бўлса,  
бу дунёнинг ёлғон қолиб, ростларига куярман.

Суюнтирар сени, қийнар мени ҳижрон висоли,  
кузги япроқлар мисоли умид тўзиб борадир,  
муҳаббатжўй ҳисларимда ғамларнинг истилоси.

Ғарибим ишқ, менинг каби сенинг ҳам  
кўнглинг ярим,  
не ёзибдир азал тақдир, манглаймиз ародир.  
Кўзларимиз қаро бўлди, қаро бўлди сўзларим...

1990

\* \* \*

Мен сени тушларга бой бериб қўйдим,  
адашдим муҳаббат ўрмонларида.  
Гоҳо суйдим сени, гоҳида тўйдим,  
лек умид милтиллар кўнгил қаърида.

Орзулар сарғариб армон бўлади,  
кўнгил ҳам кўнади гул озорига.  
Ҳажр паймонаси Ойдай тўлади,  
видо бор, адо бор жон бозорида.

Жонимни бозорга солали дунё,  
мен сени севаман сендан айрилиб,  
кўзимда жолаю бўғзимда хунё.

Гуллар ўтиб борар, баҳор қутарар,  
соғинчининг қаноти синар қайрилиб,  
шўрлик қанотини судраб кўтарар.

1999

\* \* \*

Сен ўтмадинг, сендан дунёлар ўтди,  
гуррос-гуррос, қадам-бақадам.  
Бу кузак, бу тупроқ хазонлар ютди,  
юрак – айрилиқлар ўтказган маъдан...

Дунёлар тўпири кўксимни тутди,  
мудҳиш бир сукунат – увушар бадан.  
Сени кузатмадим, бунчалар кутдим,  
келмоғинг қийиндир, кетмоқ – дафъатан.

Кўзларим тўлқини тобора саркаш,  
юрак чўкиб борар, енгадир ситам,  
ўнгимдан нафармон сароблар тарқар.

Қароқлардан силқийди жоним,  
тилда бир иштибоҳ, иста, истама:  
ҳаёт – мусибатлар чекмоқ имкони.

1996

\* \* \*

Кечирмади мени изтироб,  
мен ўтмадим унинг бошидан.  
Денгиз каби жимирлар шароб —  
муҳаббатнинг тахир ёшидан.

Ичолмадим мен уни — осий,  
ичганларнинг бари гуноҳкор.  
Бўғзимни куйдирган бир осим  
жоним тўзиб борадир — абгор.

Юрак чайқалади ложарам —  
тўфонларда қолган бир қайиқ.  
Осмон — зангор, осмон — ложувард...

Лимиллайди ҳасрат бодаси  
кўзим косасида, найлайн.  
Муҳаббатим — кўр саодатим.

1996

\* \* \*

Баҳор келар далаларга туркунлаб\*,  
қушлар ҳам қайтади олис-яқиндан.  
Қишки уйқусидан уйғонар миллат,  
замбуруғлар бола кўрар чақиндан.

Даралар гумбурлар — қаҳқаҳ урар гул —  
боғларни уйғотар момогулдирак.  
Далалар кўк кияр — аёз қолар тул,  
қуёшни қитиқлаб майса кулдиRAR.

Жилғалар дарёга олиб энади  
баҳор дарагини — бойчечак айтган!  
Қиш заҳри тошларга тегиб синади.

Кўксингни ёради ғам куртаклари,  
ёниб ёзгинг келар жигархун байтлар,  
юракни алдайди ишқ эртаклари.

1999

---

\* Шева сўзи. Бошқа уйга келин бўлиб тушган қизнинг илк марта ота уйига меҳмон бўлиб келишини англатади.



\* \* \*

Ойлоқ кеча, муҳаббат кечар,  
мендан кечар, ундан кечмасман.  
Ой нурлардан кийимлик бичар —  
о, бу ҳижрон, токай ечмасман?

Сенга бахтлар тилайман, малак,  
малика бўларсан бахт эниб.  
Дев бўларман мен бир юмалаб  
ва ўғирлаб кетарман сени.

Тушларимга қамаб қўярман,  
тополмагай лўлилар фоли.  
«Жоним»лаб, «гулим»лаб суярман...

Овлоқ кеча, юлдуз живири,  
хаёлингни кетади олиб.  
Қолмоқ — мушкул, кетмоқлик — ирим.

1999

\* \* \*

Не суворий эдимки, лайло,  
зулфинг Зарафшонин кечмадим.  
Вовайло, вовайло, вовайло,  
кўнгил бир гул истайдир — надим.

Раъномисан, мойчечакмисан,  
япроғингда фоллар очгали.  
Бугунгимсан ва кечагимсан,  
суйганим ва суймаган ҳали.

Дардим айтдим, тошлар ёрилди,  
осмонни синдирди гулдирак.  
Муҳаббат кўнгилни не қилди?

Мунғиб куяр фалакда ҳилол,  
тарс ёрилар кўксимда юрак.  
Тар очилар гуллар. Не илож?

1999

\* \* \*

Санамжон, кўзларим ўйилди,  
ҳажринг шаробидан тўйдим.  
Наволар қуйилди бир ҳазин,  
яғир куйди, бағирлар куйди.

Сени шамоллардан сўрмадим,  
баҳорлардан сўрмадим атай.  
Умид даштларида кўрмадим,  
қай боғларни тутмишсан Ватан?

Кўнгил сочинг каби қорадир,  
қайлардасан, кўзлари қамбар,  
қошингга қай йўлдан борадир?

Бир кун мени ишқ хароб этар,  
лек очунда ўзга не ғам бор?  
Кўз етмаса, сўзларим етар.

1999

\* \* \*

Ой юзидан юзиб утар турналар,  
юрак симиллайди тутқин ва мазлум.  
Гуллар ҳам ўтади бағрим тирналаб,  
алвидо, гул, баҳорлигим, ёзлигим.

Юлдузлар чўғ каби тортиб борар кул,  
булутлар келади гала ва гала.  
Бир ёр истар, бир зор истайди кўнгил,  
вой, аламжон, жон алам.

Мен рўё истадим, ҳажрни берди,  
баҳор истаганим куз бўлди алҳол,  
қадрлар истадим, фажрни берди.

Ой кўнгил кўзидир, алвидо, гулим,  
шашқатор турналар сирқирар ундан.  
Силкинолмай титрайди қўлим.

1999

\* \* \*

Осмон яратганнинг мовий кўзидир,  
кўзидан яратди борлиқни худо.  
Тоғ ҳам, боғ ҳам, зоғ ҳам унинг сўзидир,  
сўзидан яратди борлиқни худо.

Ёмғирлар сим-симлаб ерларга сингди,  
ёшидан яратди борлиқни худо.  
Чақмоқлар чақилди, тошлари синди,  
тошидан яратди борлиқни худо.

Кўнгилга доғ берди, дийдаларга — ёш.  
Куймоққа дил берди, севмоққа — аёл.  
Чўкмоққа тиз берди, эгмоқ учун — бош.

Жон берди аёлга этгудай нисор,  
уни деб ёнмоққа — шам каби ҳаёт.  
Берилмай қолгани биргина висол.

1999

\* \* \*

Айтаринг не эди, қайтаринг  
не бўлди? Билмадим, гулбадан.  
Маконинг қай тоғлардан нари?  
Излаб кетмиш юрагим бадар.

Бўм-бўш эрур байтул-ҳазаним,  
на юрак, на кўнгил ётмайдир.  
Сенсизлик не ҳариф, не ғаним,  
на ёнмас, на сувга ботмайдир?

Қайтаринг не бўлди, гулўзор,  
қайтмаслигинг не бўлди тағин?  
Кўнгил озар, кўнгилда озор.

Қулнинг дарди гулнинг дардидир,  
ҳасратларим ётади ёғиб,  
соғинч боғларининг зардига.

1999

\* \* \*

Дарахтлар жанубдан келмоқда қайтиб,  
қуёш қайтиб келар тонгласи шарқдан.  
Шамол бўлиб қайтар хотирлар — дайди,  
майса бўлиб қайтар ҳар битта марқад.

Баҳорга қайтади кўнгил ҳам, дард ҳам,  
булоқлар кўзида тинади осмон.  
Умид оғриқларга босади малҳам,  
боғларга гул бўлиб қайтар Ёсуман.

Адирларга чиқар қизғалдоқ бўлиб  
мен севган аёлнинг жонталаш ёди,  
Гулиқаҳқаҳ қайтар, берсин йўлини.

Ҳар неки, баҳорга қайтади, моҳим,  
гул қайтар, сой қайтар. Ой қайтмас, дод-эй!  
Фалакка қадалар юлдуз нигоҳим.

1999

### ҲАЛИ

Ҳали куймаган дил, куйланмаган дард.  
Йиғланмаган йиғи, кўрилмаган туш.  
Ҳали севилмаган бир гул — суманбар.  
Маломат кўрмаган ялангоёқ рушд.

Бир ёзиқ — ҳалики қўл урилмаган.  
Юзига ҳали доғ тушмаган ҳилол.  
Шоҳ оғзига тутилмаган бир лаган.  
Ҳали тангрилар хол қилмаган Билол.

Ҳали сен ҳақингда сўзланмаган сўз.  
Ҳали тўқилмаган гийбат ва фасод.  
Ҳали кафанликка бичилмаган бўз.

Битилмаган шеърлар. Сўнмаган умид.  
Бир кўнгил — бозори бўлмаган касод.  
Бир кўз — ололмаган ҳали мен юмиб.

1999



\* \* \*

Куйганинг мен бўлдим, суймаганинг — мен.  
Армонлар юракка тош бўлиб чўкди.  
Зил тортиб боради кўзёш каби менг,  
сангижумон тортиб боради куксим.

Ҳиссиз бўсаларнинг муз қирралари  
тош бўлиб, ёш бўлиб тирнар ёдимни.  
Муҳаббат қарийди, эҳтирос арир,  
хотирлар бахтиёр этмишдир кимни?

Бу залил кўнгилнинг не залолати:  
суйгани сен бўлдинг, гулларга қасам!  
Не тонгки, манглайда ишқ маломати?

Дилимнинг барига қўлим етмайди,  
не васл — масалдир, не сабр — масал,  
муҳаббатнинг жароҳати битмайди.

1999

\* \* \*

Тақдир пешонангни тушларга солди,  
руҳингни синдирди шўриш аёни.  
Сен, тадбир қаёнди, билолмай қолдинг,  
қисматинг қаёнди, исмат – қаёнинг?

Сопол синиғидай тинжирар ҳаёт,  
билмон, ёқларинг не, недир хоҳларинг?  
Елканга бош қўйиб хўрсинар аёл,  
бўғзингга кўчади гул титроқлари.

На мақсад? На ҳақсан? Юрагинг оқсар,  
тушларинг бостириб келади ўнгга.  
Кўнгил, сен қаёнсан, кўнгил, қай ёқсан?

Юрак куяр, кўнмас на ўнг, на тушга,  
гарчи умидларнинг шарори сўнган,  
гарчи армон тиғи қадалар тўшга.

1999

НАМОЗШОМГУЛ

I

Мен сени овутмоқ истадим,  
сочларингни силаб, эркалаб.  
Намозшомгул, мунглим, музтариб,  
ҳар саҳар, ҳар сафар эр талаб.

Артгим келди кўзёшларингни,  
хам бошинга елкамни тутдим.  
Ҳилол каби тим қошларингинг  
қоқ бағримга ботмоғин кутдим.

Кўнгил чўмди оқар ёшинга,  
қошларинг бағримга ботмади.  
Тошлари ботдими бошинга?

Гулим, сени қай видо енгди?  
Қай жудолиқ дилда ётмади?  
Қай муҳаббат азанга тенгдир?

II

Тораяди қурбим фазоси,  
толдиради сабримни ғуссанг.  
Бу не мотам, ишқ қазосими,  
Не рангларга бўлдинг мустаҳиқ?

Қайси чаманларнинг гулисан,  
севилмаган, топмаган қадр?  
Кимга муҳаббатнинг қулисан,  
ғаминг надир, аламинг надир?

Қурбим фазосида ёлгизун  
юрак от суради — шаҳсувор,  
ҳасратимнинг йўллари узун.

Етолмайман ёнингда туриб,  
малҳамим йўқ дардингга — увол,  
ололмайман баҳордан қўриб.

### III

Кўклам келди эгнингни кўклаб,  
Мен бир гофил, севинч туйибман.  
Дил дол этган ўмганни тиклаб,  
қайғунг қувончларга йўйибман.

Кимга аза очмишсан, гулим,  
менга қўнглинг очмассан нечун?  
Сочларингни излайди қўлим  
ёшинг дарёсини кечиб.

Суйгим келди сени жонимдан,  
исмсиз туйғулар дафъатан  
олди чок-чок гирибонимдан.

Ситамларинг келди аритгим...  
юрагимни сенга атадим.  
Бу тун соғинчларим қаритди.

### IV

Чаппароста айланар замин:  
айни баҳор кўнгил хазони.  
Зоҳирига кўчади замир,  
эгнингда бир қайғу азоби.

Чувалади оёқларингга  
баҳор эмас, нафармон фасл.  
Суйган саринг, куйган сарингга  
айроликлар «этади насиб».

Юрак япроқларин тўкадир,  
тўкадир кўзлардан ёш қилиб,  
умид осмонлари чўкадир.

Илинчсиз илинждан толасан,  
бир кун келар, нафратинг тўлиб,  
сен севгидан қасос оласан.

V

Не тонг, баҳор изми куздадир,  
сахарларинг шомларга дўнар.  
Кемтиклашиб боради бадр,  
кўнгил тақдир мисоли синар.

Илтижолар этдим намозшом:  
тангрим, баҳор бундай келмасин.  
Жабринг бўлса, бўлса интиқом,  
менга бўлсин, гулга бўлмасин.

Гул кўнглаги кўнгил шомидир,  
титраюрман мискин, ғамбода.  
сенсизликнинг аждар комида.

Сипқорурман сўнгсиз ҳасратим,  
бир ўтинчим бўлмайди адо:  
сени баҳорлардан асрасин!

*1999, май.*

\* \* \*

Мажрух юрагимнинг кунжакларига  
Нур бўлиб энади бахмал овозинг.  
Куй қанот боғлайди руҳнинг паридан  
Намхуш кечаларнинг зил ҳавосига.

Фуссалар тарқайди гул атри бўлиб,  
Юлдуз бўлиб тарқар қўрғошин ғамлар.  
Мен энди ўлмайман, нобарҳақ ўлим,  
Гўрўғлидай юлдуз чақнаган дамлар.

Зирқираб сингийди суякларимга  
Унут эҳтироснинг зангли унлари.  
Дилбарим, яна шу хотир зарилми?

Оғинар, соғинар, ёғинар юрак,  
Овозингда эрир кимсиз тунларим,  
Бахтсизликка кўра, бахтимга кўра.

1999

\* \* \*

Муҳаббат — кўксингга қамалган ҳаво,  
чиқиб кетолмайди кабутар бўлиб.  
менинг вужудимда ямалган юрак  
зангли ҳасратларга ётади тўлиб.

Сен кимни севарсан ҳаволар билан  
Жаннат равзасидан энмаган бир гул?  
Мен сенга ёмғирлар бўлиб эландим,  
юлдуздай пойингга сачради кўнгул.

Ужмоҳ боғларидан учмас кабутар,  
мен бир қул, кўкларга тикилиб толдим.  
Давронлар ўтади, карвонлар ўтар.

Карвон кўнғироғи ҳажринг жомидир,  
не мортув эдики, юракни чолди?  
Муҳаббат ҳаётнинг интиқомидир.

1999

\* \* \*

Мен ҳам севган эдим куйгин ва далли  
азобларнинг темир исканжасида.  
Юракда минг битта жароҳат, яллиг,  
видо, айролиқнинг тагин қанчаси.

Мен ҳам севган эдим мунғиб, эмраниб,  
кўз эмас, кўнгилнинг ёшлари билан.  
Ёшлар кор қилмади, муҳаббат – ганим,  
кўнгилни синдирди тошлари билан.

Ойналари синган дераза – кўнгил,  
унда на кулнинг, на гулнинг акси бор.  
Тиндингми, кўз ёшим, сўндингми, эй дил?

Муҳаббат қайтади, бу кўнгил қайтмас.  
Парчин ойналарда ажал рақси бор.  
Ўйнайди. У – тилсиз. Келдим, деб айтмас.

25. 08. 99



**КАЙФИЯТ ХУЛОСАСИЗЛИГИ**

Бу тунни ичади аёлнинг ёди,  
тушлар ижараси тугамас минбаъд.  
Бу не узлуксизлик? Яланг хавотир.  
Манглай – михлар билан тирналган бир хат.

Тун мени сипқорар майхўр ва дилтанг,  
ёлғизлик аталган яра битмайди.  
Тунда қолиб кетар юрак мўлтиллаб,  
Ҳеч ким тушларига олиб кетмайди.

Умидлар ахтарар Сомон йўлини,  
телбарар тунларнинг зулматин ёриб,  
Ой – ҳажр юракда борар тўлиниб.

На гул бор синграрга отини айтиб,  
На кул бор бошингга сочмоққа зорли,  
На йўл бор бош олиб кетарга дайдиб.

25. 08. 99

\* \* \*

*(«Мучал ёши» достонидан)*

Сени олиб кетар гуноҳлар  
сандиқда ё Нух кемасида  
қаю тараф, қаю бир ёқлар  
йўлсизликнинг ваҳимасидан?

Бир гуноҳки, гулни севарлик,  
гулсиз пешонангда, найларсан?  
Бир гуноҳки, зеру забарлик,  
юлдуз бўлиб сачрар ойлардан.

Гуноҳларинг радди балодир,  
кўмир дилда резги ҳидоят,  
гоҳ ўтга, гоҳ сувга соладир.

Сандиқда оқурсан Журжонга  
йўлсизликдан излаб ҳимоят.  
Гулнинг ишқи ўтади қонга.

---

## ГЕОМЕТРИК БАҲОР

(шакл симфонияси)

---

### I

□ (Тўртбурчак ва шип-шийдам) боғларга  
қайтади баҳор

▷ (учта бурчаги) билан.

Боғ аслида  $\Delta$  (икки баҳор) дан  
иборатдир,

▷ – бири қайтиб келган,

$\Delta$  – бири қор остида қишлаган баҳор.

Бир-биридан чангланган  
икки гул янглиғ

улар бир-бирига қовушганида (⊗)

кўкаради боғ (■)\*.

Баҳор боққа майсанинг тили (▲)

билан кирар билдирмай

♁ (илон) нинг оғзида жаннатга

кирган шайтон сингари.

▶ Унинг учи игнадай ўткир

учбурчакнинг таянч тўғри чизиги

ортга йўл бермас,

учбурчак

→ (кўрсатиш чизиги)дай

фақат олдинга юрар.

---

\*Кўкарган боғ – Малевич квадрати.


II

Булбуллар ● (айлана) сайрар баҳорда,  
табиат ҳукми шу,

○ (сайроқ қирралари) ни  
эговлаб ташлайди гулнинг чиройи.

Дунёдаги энг гўзал шакл  (гулнинг чиройи).

Баҳор бўйи қулдай ишлаган чирой  
ёзга етмай қариб қолади.

Гулни қоплар алвасти танасидай  
эгри-бугри чизиқлар —  (ажин).

Аслида бу ажин  
гулга эмас, чиройга тушар.

Архитектурасин бузар чиройнинг  
табиат зулми  
булбулни қувноқ сайратмоқ учун.

III

■ (Тунги осмон) кўз ёш каби ёмон қаварар.

қиз кўз ёши таркибидаги  
кечинмалардай

☆☆☆ (юлдузлар) қирраси юракка ботар.

юлдуз қирраларин кесгувчи  
ой шуъласини

Сангжумон шамоллари урилавериб  
ўтмас қилиб ташлаган.

Шуъланинг шамол теккан жойлари  
▽(сумалак)дай

емирилиб кўкка осилиб қолган,  
шамолда эриётган шуълалар  
ҳар замон чакиллаб томади  
☹ (яланг бошинг)га.

Ёхуд шуъла –  
емираётган ой чанги.

Шамол чалиб беради чангни,  
шамол – Тилаш Хўжамберди арвоҳи,  
шуъла у чалишга улгурмай кетган  
ва ҳаводан йиғиб олишга  
улгурмаган наволар...

Шуъла – чанг.  
Тунни чанг ёритар,  
шамол кўзғатган ой чанги.

Чанг баробарида  
шамол ойни  
осмондан ҳовузга туширади учириб,  
● — сув теккан ой  
ўчиб қолар ҳовуз тубида — ■.

Ҳовуз – ойсираган ☼ (бақа) нинг  
□ (тўртбурчак) қуриллаши.

Қуриллашлар овлоқ кечада  
майсалар орасига кириб кетади  
шамолдан қочиб.

Яна бир кўзқараш:

собит ойнинг муаллақлиги,  
шамол дахл эта олмайди ойга,  
ой ва юлдузларни  
ҳовузга тош ташлаётган болакайдай  
зериккан осмон

☉ – бир-бир отиб ўйнайди унга,  
осмон бола қадар кичраяр тунда  
ва зерикар бола сингари,  
осмон тунда турли шарпа-шовқиндан  
кўёнюррак бола каби қўрқали.

Шамол ҳукм юргизар тунда,

☾ (ой)ни учирган шамол,

юлдузли осмонни,

ойсиз осмонни

пуфлаб шиширар.

☼ – (Қавариқ осмон).

☽ (Осмон) (☼) (елкани)ни кўтарган борлиқ

тунбўйи ҳовузга сузиб чиқади,


ва етиб олади тонгга амаллаб...

#### IV




(Увада булутлар) орасидан

тўкилган нур билан томирлар офтоб.

Офтоб томирлари чангга ўхшайди,  
бу чангни  (ёмғир) ҳам босолмас.

Онам болалигимда,  
бу ёмғирда тулки болалайди, дегучи эди.

Офтобнинг чанг, тўғри чизиқ томирларидан  
туралган  (тулкичалар) каттарган сари

 – шаклини йўқотиб боради тобора.

Лой каби тулкилик  
ҳар қандай қолипга сиға бошлайди.

Ҳандаса  
лойни фақат сувсиз қантариб  
солиши мумкиндир муайян шаклга,  
қуритиб енгади лойни ҳандаса.

V

 (Баҳорги тенгкунлик).


Изтироб ва шодлик,  
Армон ва умидлар симметрияси.

VI

 (Юрак)  (эхром) сингари

суйри ва силлиқ  
бахтга тирмашади, сирпаниб тушар пастга,  
бахтга чиқа олмайди юрак.

Қоқ баҳорда музлаб қолган бахт.

Ўйинқароқ боладай юрак  
бахтда яхмалак отар —  .

Бахт — не-не фиръавнлар даҳмаси.


Унинг қопқоғини очишинг билан  
талотўп бошланар  
дунёнинг қайси бир чеккасида.

Қизғалдоқ унгандай томларда  
даҳма гулга кўмилар.

Меҳрибон, яшил баҳор  
бахтни кўмиб ташлар...  
гулларга.


## VII

 (Юрак)нинг ҳаяжон теккан жойлари

Соядай қоп-қора  
кўмирга айланар —  .

Юрак — ҳаяжон қўзғаган  
баҳор проекцияси.

## VIII

Парвоз чизигини минг бор синдирад  
 (чўпоналлавич) \*.

---

\*Қушнинг номи. «чўпонни алдовчи қуш» дегани.



Юрак уришидай  
учиши бежо бу қушнинг,  
силлиқ бўлолмади урмаслигидай.

➤ (Чизиқнинг ҳар синиши)  
бир алдов ёхуд  
тақдир зарбасига битта чап бериш,  
ўнг бериш имкони бордир бир марта.

Умр узоқлигин таъминлаб берар  
унга синиқлар.

## IX

Яна бир наврўзга етган боболар  
севинчдан яйраб  
тушларин далага қўйиб юборар  
янги қишлар олдидан.

Ишлатилавериб қиш бўйи  
ориқлаб кетган тушлар  
қўкаламга тармашар,  
уларни боқиб юрар  
катталарнинг орасида болалар билан  
копток тепишдан уялмайдиган  
биргина мард — Зибо чўпон.

Унинг ҳандасаси — таёғи:  
| (алиф),  
тушларнинг бошида синар бу таёқ,  
боболарнинг қўлига тугал  
қайтармикин калтакланган бу тушлар?

Х

Баҳор лўлилардай кўчиб юради.  
Унинг боғларни


 (четлаб ўтган парчалари)

тоғларга қараб ўрлайди,


 (ошиб ўтолмагани)

қувраб қолар бодомчанинг тагида  
хас бўлиб.

Сўқмоқлар четидан юради

 тоққа ўрлаган баҳор,  
харсангларни айланиб ўтар.

 (Зовлардан ўтолмай қолганда баҳор)

 сўфитўрғай бўғзида

уни олиб ўтар тоғнинг ортига  
ва симёғоч симларига басталар  
азон билан  
тоғларда адашиб қолган баҳор дарагин.

Баҳор кетишини ҳеч ким айтмайди,

уни тоғ ортига бошлаб жўнаган

 (кўрсатиш чизиғи) қайтмайди ортга.

Уни йўл ҳаракати қоидасининг

 (ортга қайтиш) белгиси билан


алмаштириб бўлмайди.



Йўқ белгининг конвертацияси.

---


\*Зов – тоғнинг тик қояси.

XI

Баҳор дарахтларга  (тикка) ўрлайди,  
Ердан мадал кутиб турган фазогирлардай  
урён шохларга етказар гулларни.

 (Дарахт гуллари) –  (қор  
учқуни) хотираси.

Бахтдан сирпаниб кетган юрак  
баҳор бўлиб чиқар ҳар бир дарахтга,  
ҳар дарахтда гуллайди юрак  
мўмиёлаб кўмилган бахтдан фарқли ўлароқ  
ва уни теран-теран кўммоқ учун  
қайтар заминга.

Гуллар  (юлдузларга қараб учаётган баҳор)ни  
ерга қайтарар.

 (Гул ёмғири).

*2001-12-15-21*

---

## КУАЛА-ЛУМПУР

---

### I

Рутубат, галати бир димлик бор шаҳар  
кўчаларида,

Ҳаво қотиб қолган  
янги қуритилган  
газет қоғоздай.

Шамол эсмай туриб ҳам  
унинг мавжудлигини  
ушлаб кўриб билса бўлади  
ёки димофингни куйдиришидан.  
Чайнаб ютмасанг  
гўёки тиқилиб қоладигандай.

Дунёдаги энг баланд бино —  
«Петронас» эгизак миноралари  
Миср эҳромлари сингари  
харсанг тарошлаб эмас,  
қотиб қолган ҳавони кесиб  
қурилгандай туюлар  
дамқисма кишининг тасавурида.

Ҳиссиёт енгади хаёлотингни,  
денгиз яқинлигин тасаввур эмас,  
ҳис қилиш мумкин дир кўрмай туриб ҳам.

Рутубат тандири.

Қизиб қотиб қолган ҳавони  
йиртиб йўл очиб борар  
тезроқ совутгичли бирор бинога  
етиб олмоқ умиди.

## II

Эрга тегаётган  
маликанинг этагидай умид бу ерда  
ерга судралмайди,  
оёқларга чувалмайди йиқитгудайин.

Бошқаларга халал бермаслик учун  
ҳар кун эрталаб  
уни кузаб оласан  
ҳаракат хавфсизлиги шартига кўра  
токим шаҳар кўчаларидан  
мошин бўлиб оқиб ётган ҳаёт остига  
тушиб қолмаслиги учун  
оёқларга ўралашиб умидинг.

## III

Тақчиллик сезилмас юздан, кўзлардан.

Бирор кимсанинг  
қариндоши ёхуд қўшнисин  
умидин кўчага кийиб чиққанин  
ва унга доғ тегишидан хавотир ичра  
аланглашин

ёхуд  
никоҳ кўйлагидай  
бирор махозинда умиднинг  
ижарага олинаётгани  
кўзга ташланмайди, ҳарқалай.

#### IV

Осмонўпар биноларнинг оралиғида  
шовқин туман каби  
муаллақ туриб қолар.

Бу шовқиннинг уй соғинчидай  
муттасиллиги  
кечалари ухлатмайди кўникмасиз.  
Шовқинга кўникса бўлар, эҳтимол,  
соғинчга кўникиб бўлмайди экан.

Қизчангнинг, ҳеч қайга кетмайсиз, деган  
ўжарлиги бўлиб  
хаёлингга чалинар ва ўртайди соғинч.

Эҳтимол, қизчангни,  
фалон совға олиб келаман, дея  
алдаш мумкиндир,  
бирок соғинчни  
алдаб бўлмас экан ёт тропик шаҳарнинг  
ўтирик туюлган мўъжизасига  
гувоҳ бўлмоқ умидлари билан ҳам.

Кун ўтган сайин  
муттасиллаша бошлайди соғинч.

Соғинчга етганда тўхтаб қолар вақт,  
шовқиндай осилиб турар муаллақ  
ва ёки  
вужудга қамалиб олар  
чилла кирган сўфий мисоли.

Ичинг зим-зиё.

Чилла кираётган сўфий  
нур тушгучи ҳар бир тирқишга  
увада тиққанидай  
кўзларингга пахта тиқиб қўяди соғинч.

Издихом чилласи,  
соғинч чилласи.

Ўзга мамлакатнинг пули сингари  
соғинчга ҳеч нарса  
сотиб ололмайсан бу юртда.

V

Тоғ эмас,  
денгиз чегаралар энни бу ерда,  
бўйни эса — тортиш кучин енгиш имконияти.

Денгиз тамаддуни ва тафаккури  
маконни баҳарнав қилади мўъжаз.

Бунда одамлардан кўра  
нарсаларнинг қўшнилиги табиийроқдир.

Халлоқ каби

нарсаларни яратган банда  
кўзга ташланмайди унча ҳам.

Кенгликка ўрганган кўзларни  
толиқтирар макон торлиги.

## VI

Эҳтимол, «Петронас» миноралари —  
иқтисод тебранма чизиқларининг  
қимматли қоғозлар бозоридаги  
ҳисса нархларин  
осмонга сакраб кетган  
пайтидаги кўринишидир.

Эҳтимолки, эгизак минора —  
уларни илк марта кўриб,  
хайратидан довдираб қолган  
сайёҳнинг юраги кардиограммаси.

Эҳтимол...

## VII

Қўш минора  
Келажакка қўл ушлашиб кетишаётган  
эр ва хотин,  
Шарқ ва Ғарб,  
ислом ва буддизм,  
мусулмон ва буддавий,  
монархия ва демократия...



VIII

Хаёл чалғиб кирган ҳар бир кўчанинг  
охирида пойлаб турар барибир соғинч —  
уйга тезроқ қайтмоқ истаги.

Тортиш кучини  
учоққа ўтириб енгганинг билан  
соғинч кучини  
енгиб бўлмас экан мусофирликда.

*17. 02. 2003*

*Куала-Лумпур*

---

## ҲАВО МАНЗАРАЛАРИ

(тулқин ва нигоҳ симметрияси)

---

\* \* \*

Тандир ҳовуридай гупиллаб  
юзга қопланади дамлаган ҳаво.  
Олазарақ нигоҳлар кесар иркит ҳавони,  
ойнажомда сузиб юрган балиқлар  
ёхуд  
ҳасад микробларидай  
унда юзар миллиардлаб нигоҳ,  
эғали, эгасиз.

Нигоҳлар кўзларга қайтолмас,  
боболарнинг  
олис юлдузларга йўллаган  
орзуманд,  
аржуманд нигоҳлари.  
Кўзлар ўтиб кетган дунёдан  
йўллаган нигоҳи қайтишин пойлаб  
умидларни чанглатмоқ учун  
бир мужда оларак  
олис юлдузлардан, коинотлардан.  
Дарвоқе, осмон,  
очиқ қолган кўзидир кимнинг  
осмон?

Бугун ҳеч ким танимайди у нигоҳларни,  
бепушт умидларин чанглатмайди ҳам.

Ҳаволарда сузар иркит, оҳиста  
илвира каби  
қуюқлашиб кетган нигоҳлар.

Қуюқлашиб кетган нигоҳлар —  
хафақон ҳавонинг томирларида  
юришмай қолган қон,  
қон бўлиб ёради нигоҳлар  
бир кун ҳавони.

Ҳеч ким суюлтирмас, янгиламайди  
нигоҳларга лиму ишқорин қўшиб,  
ювиб олмас бу нигоҳларни,  
йиғиштириб олмайди ҳеч ким,  
бузилган ҳавонинг экологияси.

Фақат бечора шоир ҳар биттасини  
чанг теккандай кўзойнагига  
дастрўмолга артиб кўради  
ва тикилар Манихей битикларига  
тиши ўтмаётган битикшуносдай,  
ўқир ҳижжалаб  
фақат нигоҳларни бирма-бир,  
борлиқнинг маънисин оқ-қора, кун-тун  
дея билган Мани\* сингари,  
ё рангларни ажратолмаган  
далтоник каби  
шундан бошқасига тиши ўтмайди.

---

\* Мани — манихей дини пайгамбари.

Мана бу — илтижо, буниси-чи — ҳирс,  
арқондай чувалар оёқларингга  
мана бу узун нигоҳ,  
эгаси кимнидир  
кутганмикин йиллаб интизор?..

Буниси, калта-култа,  
афтидан, эгаси талаба бўлган,  
мадрасанинг зах ҳужрасида  
мукка тушиб китоб ўқиган  
жинчиरोқ шуъласида  
буйраклари зирқираб.

Тошни тешиб ўтадиган қисқа тўлқиндай  
даста-даста, қарич-қарич нигоҳлар,  
қишнинг совуқ тунлари  
бемалол ўчоққа қалашинг мумкин  
қўлёмалар ўрнига,  
уларни ёриш ҳам шартмас ғўладай,  
тап-тайёр ўтин.

Талабанинг сабил қолган нигоҳларидан  
ёришади тунд ва қора тунларинг,  
оқ шомга айланар зимистон.  
Ойдинлар кўр бўлар. сўқирлар — басир.

Мана бу нигоҳ — изтироблар хромосомаси,  
унга севинч бўлмоғи учун  
етишмайди ягона игрек.

Бу игрекни хусусий қилиб  
олган эгаси,  
хоҳласа беради, хоҳламаса, йўқ.  
берганда ҳам эвазига  
тавбалар сўрайди, илтижо сўрар,  
ибодат сўрайди умринг баробар.

Мана бу нигоҳ  
минг қайта букланган симга менгзайди,  
уни бемалол  
антенна ўрнида ишлатса бўлар  
малоиклар билан сўзлашмоқ учун,  
ё томоша қилмоққа  
«Камалак-ТВ»ни ўғринча.

Энди фаҳш ҳам кўкдан келар,  
йўлдошлар малоик ўрнида  
қисматингни бошқарар  
ёки қўғирчоқ каби  
ип эмас,  
тўлқинларга осиб ўйнатар сени.

«Фалак» энди «яратган»га маънодош эмас,  
осмон тўлиб борар темир-терсакка,  
осмон торлик қилиб қолган малаклар  
ижарага юраклардан жой ахтариб юради  
сарсон-саргардон,  
шайтон қиммат сўрар ижара ҳақин,  
шўрлик малоикнинг пули етмайди...

Тўлқинлар белгилар кайфиятингни  
Ҳатто мустабидга муҳаббатингни  
улар изга солиб турар пайдарпай.

Бунда гуноҳ йўқдир, йўқдир осийлик,  
жигардан сўзлайсан душманингга ҳам.

Табиат қўйдан қўй ясаган бўлса,  
Жамият бўридан қўйни клонлар  
мустабиднинг илтифотин  
қозонмоқ учун.

– *Фанга зид эмасми бу гаплар,* – дея  
талмовсирайман.

– *Шоҳ айтганда фан номаъқулнинг  
нонини ебди.* –

Жавоб қисқа бўлар ва тушунарсиз,  
ушбу сўзлардан

Наполеоннинг кибрли ва ёвуз донишмандлиги  
уфуриб туради сескантирарли.

Мустабид тежамкор,  
мустабид хасис,  
тишин ковагида асраб келди илтифотини,  
уни дариф тутди раиятидан  
фалон йил...

Жониб айтар:

– *Буюк шаҳарларнинг қаҳри буюк ўлур,*  
*мовушим<sup>1</sup>,*  
*жонимизга қасд этажакдир бу асфальт йўллар!*

---

<sup>1</sup>«Азизим» маъносида.

Муайян ҳақиқат  
бордир унинг қарашларида,  
Ўрхун Памуқни кўп ўқигандир, ҳарқалай,  
Нозим Ҳикмат сарбастларини  
Туркийнинг Истанбул лаҳжасида  
соатлаб ўқир ёддан.

Жонимизга асфальт баробарида  
тўлқинлар қасд этар  
нур бўлиб,  
хабар бўлиб...

Тўлқинларнинг мустабидлиги...

\* \* \*

Нур баробар, нигоҳ баробар  
ҳавони тўлдирар тўлқинлар.  
Тарсиллаб ёрилар таранг ҳаволар  
тўлқинларни, нигоҳларни сифдиrolмай ичига,  
ҳасибдай тарсиллар ҳаволар,  
ундан шамол кўпар, бўронлар кўпар,  
қонларни хафа қилар,  
оҳанрабо бўрони.

Дунёда сўз эмас,  
тўлқин бўлган даставвал.

Тўлқинларни сўзга ўғирар,  
тасвирга ўғирар  
Жаброил ўрнига

шу бир телефон,  
радиоприёмник,  
ё телевизор.

Тўлқинлар белгилар қисматимизни.

Ҳаво ўрнига  
уни ёрган тўлқинларни симирар вужуд,  
биз нафас олаётган  
ҳаво тўла тўлқинлар  
қай бир ошиқнинг  
маъшуқага йўллаган  
дил изҳори, ёхуд қишлоқдан  
шаҳар келиб ўқиётган бир талабага  
келган шошилиш ва нохуш телеграмм  
эканин тусмоллаш мумкинди фақат.

Бу изҳор ёки хабар  
нафас йўлларида қонга сўрилиб  
кетган эса-да  
тешиб ўтар вужудимизни  
манзилига етиб бормоқлик учун.

Туйғу очлиги,  
эҳтирослар очлиги  
тинмай таъқиб қилаётган  
етмиш икки томир баробар  
саккизоёқ сингари  
тўлқинга ёпишар,  
аммо тўлқин юлқиниб кетар  
унинг исканжасидан  
манзили томон.



Тўхтатиб қололмас, ҳатто, уни қон,  
тўлқинлар — бугуннинг фаришталари,  
фақат ахборот ташир  
манзилдан манзилга.

Фақат нигоҳларнинг манзили йўқдир.

Нигоҳлар —  
романтик замонлар қолдиғи.

Нигоҳлар — муҳаббат сингари  
бу кун руҳнинг, юракнинг  
рудименти — ошиқча узви...

Тўлқинлар бўрони  
емириб боради юракни туздай,  
томирларга сизмай оқар тўлқинлар  
кўпириб, ўпириб.

Тўлқинларга тўлиб боради ҳаво,  
қўрғошиндай оғир ҳавони  
у ёндан-бу ён  
судраб юрар фаррош шамоллар  
ҳансираб  
қаён чиқариб ташлашин билмай.

Фаррош хотин кўча супурганига,  
пол ювганига,  
ана боринг,  
кўкаламни суғорганига  
маош олар бир ташкилотдан.

Шамолга эса  
ҳеч ким маош тайинламайди  
ундан нигоҳ йиғиб олгани,  
ёки уни тўлқинлардан тозалаб  
бергани учун...

...Нафасинг қиса бошлар,  
ҳаво ўрнига  
нигоҳлар ва  
тўлқин тўлар ўпкага,  
ҳавода тўлқинлар тўпландисини  
юта олмай қийналар  
нафас йўлларинг.

Борлиқда ҳаво йўқ,  
йўқликда нигоҳ.

Тангри мулки бўлмиш  
ҳавони, кислородни  
уддакорлар олган хусусий қилиб...

Уддакорлар  
энди ихтиёрларни  
бир-бир сотиб олар одамларнинг қўлидан.  
Достоевскийнинг:  
«Пул — бу зарб этилган эркинлик»  
деган  
ақидасин ёд қилиб олган  
одамлар эркак пул алмашмоқ учун  
бир замонлар дўконга

шиша топширмаққа ёхуд Қизил майдонда  
Ленинни кўрмаққа навбат кутгандай  
турна қатор турар эрта-кеч.

Ихтиёрин сотган одам  
қанча кун кўриши мумкин, масалан,  
кўрмаслиги мумкинми шу кунларни  
ихтиёрин бермаса?

Изғиб юрар уддакорлар гумашталари,  
сендан ихтиёр сўрайди  
ризқ ваъдаси эвазига,  
истиқрор эвазига.

Йиғиштириб юрар қуролдай  
маҳаллама-маҳалла,  
уйма-уй юриб  
қайсидир кунжакларда  
қолиб кетган,  
кўзага солиб  
ёки латтага ўраб  
яшириб қўйилган,  
кўмиблар ташланган ихтиёрларни.

Қулоқ қилиш ва қама-қама  
пайтлар дайравотдан Сангижумонга  
қочиб келган Салом Махсумнинг  
тоғ-тошларга юқиб қолган,  
советларга топширмаган ихтиёрларин  
мўмиёдай қириб олар битта қолдирмай.

Камчиқим рўзгорлар  
нон сотиб олар  
ихтиёри пулига,  
новвот сотиб олар яқинда  
қўзилаган келини учун қувват бўлсин деб,  
шакар сотиб олар  
жўжабирдай болаларига.

Болалар ҳам ота кўзига  
тик қарагич бўлиб қолган,  
— *Қанақа отасиз, —* дер катта қизи, —  
*бизга шакар олиб келолмасангиз,*  
*ўзларингиз овқат егандан кўра*  
*эғнимизни бутласангиз бўлмайдими*  
*мен билан сингилчамнинг?*

«Бутламоқ» калимаси бутга айланар,  
сигиниб ўтирар кечаю кундуз  
унга бир этак бола  
қорин сигинчини эсдан чиқариб.  
Эҳтиёж маъбудга айланар секин,  
оммалашиб борар халқнинг ичида,  
эҳтиёжга бўйинсиниб яшар раият...

Ота ерга кириб кетай деса, ер қаттиқ,  
кирмай деса тик қаролмас  
болаларин кўзига  
ва чиқариб берар ихтиёрини,  
сайсхона охурига яшириб қўйган  
рухсатномаси йўқ ов милтиғдай  
ихтиёрин гумашталарга.

Уни қиммат олар гумашта.

Шу кун уйга шакар келади,  
новвот келар,  
гўшт келар.

Энди яшаш мумкин бемалол  
ҳавосиз  
нигоҳларни, тўлқинларни симириб.

Болалар ўса бошлар,  
йўқчилик нелигин билмайин ўсар  
отасининг ихтиёри эвазига.

Шундан сўнг ҳам бу оилага  
ихтиёр сўраб келган  
гумашталар кўп бўлган,  
Қимматроқ баҳога сўраган уни.

— *Сабилни арзонроқ бериб қўйган эканман, —*  
*хуноб бўлади ота. —*

*Сабр қилсам бўлар экан,*  
*ким билибди дейсан ихтиёр деганлари*  
*кун келиб заҳардан қиммат бўлишин.*

*Биров қарамас терига,*  
*қўй жунига харидор йўқ,*  
*пиллани ҳам топширгандик ярим баҳога,*  
*ихтиёр пул экан,*  
*бугун, сағана.*

*Тунов куни солиқчилар, денг*  
*ўша сотган ихтиёрим пулига*  
*солиқ солибди.*

*тўламасанг, қамаймиз, дер,  
қўлида чақириқ қоғози ҳам бор,  
мелиса келармиш агар бормасам...*

*Шунда отанинг бўғзига  
тиқилади ихтиёрсизлик,  
тоза ҳаво етмайди унга,  
ҳавони булғаган чанглар,  
нигоҳлар,  
тўлқинлар ва ихтиёрсизлик  
ўпкасига тиқилар,  
булғар нафас йўлларин.  
Ҳар нарса бор ҳавода,  
фақат ҳаво йўқдир, ихтиёри йўқ.*

*Гумашталар ҳавони  
ихтиёрдан тозалаб қўйган,  
фаррошга иш қолармиди булардан?  
Энг муҳими, улар ҳокимиятдан  
маош сўрамайди  
ихтиёрлар йиғими учун.*

*Сабаби, унинг  
турган-битгани пул эмиш  
қўрғон тарафда.*

- Сотмай юрсам ўлармидим шу зормандани,  
ана, шаҳар сероб, бозорлар сероб.  
Шаҳарга бориб  
арава сурсам ҳам бирор бозорда  
қушим ўтарди-ку?*

*Паттачига пулни берсанг бўлди, у ёғи —  
худо пошшо,  
бозорқўмдан каттаси йўқ у ерда.  
Солиқчи бошингни гаранг қилмайди, —  
гарангсир ота.*

...Ихтиёрнинг пули ейилиб кетган,  
ҳали анча бор  
онасининг нафақасига,  
бобой эса дорулбақога  
риҳлат этганига бир йилча бўлган.  
ҳали унинг йил оши ҳам бор.  
Бу ёқда эса  
солиқчи қисталанг қилгани-қилган.

Гумашталар зоти ҳам қизиқ,  
балоғат ёшига етмаганларнинг  
ихтиёрин сотиб олмас эмишлар,  
жиноят эмиш  
ЖК<sup>1</sup> нинг аллақайси моддасига асосан.

— *Жиноятни билади, лекин  
Инсоф, раҳм-шафқат деган нарсани  
билмайди бу энағарлар, —  
сўкинар ота.*

\* \* \*

Ихтиёрдан тозаланган ҳаволар.

<sup>1</sup> Жиноят кодекси.

Уддакорлар  
уни исроф қилмас елга созуриб  
пул сингари.

Нигоҳларнинг, тўлқинларнинг  
харидори йўқ.  
Қарсакнинг эса  
бозори чаққон.  
Қарсак сўраб юрар фаррош хотинлар,  
у ҳам ихтиёрдай қадрли.

Улар театрудаги  
қарсак шовқинларини  
зарралаб ҳаводан йиғиб олади  
чангютгич билан  
ҳамда олиб бориб топширар  
гулфуруш хотинларга,  
бир мисқол қарсакнинг нархи фалон сўм.

— *Қарсакдан қолдими?* —  
сўрар концерт ниҳоясида  
залдан қарсак ола олмай чиққан хонанда,  
уйига олиб кетар беш-ўн мисқолин  
гулфуруш хотиндан  
келгуси концертда фойдаланишига.

Ёмон экан қарсак очлиги.

Гала — концертларда, тўйларда  
қарсак талашиб  
бир-бирини микрофон билан



уриб майиб қилган хонандаларни  
кўргани бор Барнобек Эшпўлатнинг.

Зодагон ҳофизлар сизлару биздай  
раиятдан фарқли ўлароқ,  
болаларин қарсак билан боқади.

— *Қарсак еб ўсган*  
*бола дуркун бўлади,* — дер Ёлқин ака.

Айрим бемор ёзғувчилар ҳам  
қарсакдан соғайиб кетар эмишлар  
ҳеч нарса кўрмагандай,  
ҳеч бўлмаганда  
унинг ўрнин босар бирор малҳамни  
сотиб олар эмиш дорихонадан.

Одамга нисбатан тўғри, эҳтимол,  
Ёлқин аканинг сўзи,  
биноқ Назар Эшонқулнинг қарсакдан  
касал шеърлар соғайишига  
шубҳаси бор эмиш.

Айтишича, яқинда бир шоир дўсти  
ширакайф бўлиб:

— *Кўрсатмасин экан шеър доғини бандасига,* —  
дея йиғлаган эмиш.

Кўп шеърлари ўзидан олдин  
ўлиб кетган эмиш шўрликнинг,  
ҳаво етмас эмиш «шиғир»ларига.

Қарсак сотиб олиб даволатибди  
табиб Ўрол Ўзбекдан,  
барибир бўлмабди,  
умри қисқа экан шеърининг,  
чеҳнабди<sup>1</sup> ...  
Унинг умрини  
бошқа шеърларига қўшиб берган бўлсин,  
бираҳматика ё арҳам ар-роҳимийн!..

Нигоҳлар эса  
дунёдаги энг кераксиз матоҳдир,  
ҳеч ким уларни олмас, масалан,  
шеърин қоқтирмақ,  
ёхуд ўзин ўқитмоқ учун  
нафс илинжида  
юрган бирор қушноч ёки муллага.

Нигоҳларни Баҳром Рўзимухаммад  
«ахборот майдони» дея атайди.  
Бу майдоннинг дарвозаси очилмай  
занглаб ётар анчадан бери.

Бу майдонда ёлғиз кезинар  
бир шоир.  
У ҳам жонга теккан ёлғизлигидан  
қутулмоқ учун  
майдонни қуршаган қора деворга  
урар ўзини.

---

<sup>1</sup> Чақалоқнинг ўлими — шевада.

На девор, на дарвоза  
уни қуйиб юборади ҳаётга,  
биноқ бу ҳаётда унга нима бор?

Ё илҳомнинг жинлари билан  
курашмоқдан толдими шоир,  
ё ихтиёрин  
пулламоқчи эканми у ҳам  
шеър доғида куйган шоир сингари?

\* \* \*

Қиёмат белгиси – осмонни  
ўргимчак тўр қоплаганидай  
нигоҳланиб боради ҳаво  
бетартиб,  
бемисл,  
беадад.

Куя тушган калавадай тўзғиб ётар нигоҳлар.

Калава – нигоҳ.  
Баъзан хотираларни  
саришта қилолмай қийналаман мен,  
хотира босими.

Оғрийди бир замон юракка ханжардай  
санчилиб қолган  
эҳтирослар,  
маҳрумликлар,  
имконсизликлар.

Тушларни саришта қилиб бўлмайди,  
уларга кириб келаверар мен истамаган  
дўстлар, душманлар.  
ажабки, тушларда уланар  
хотиранинг узиқ жойлари.

Тушлар — эҳтирослар хотираси,  
туйғулар хотираси.  
Бу туйғуларни  
мендан ижозатсиз  
гайришуурий тарзда  
дастрўмол учидай  
вақт тугиб берган,  
тугунлари қайроқ ёстиқдай  
юрагимга ботиб қийнайди.

Туйғу туйилади, тугилмас, дейди мантиқ,  
тушнинг эса мантиқ билан нима иши бор,  
тукканин тугади, туйганин туяр,  
истамаганин  
қўймас ҳатто ўзин сарҳадларига.

Хотиранинг узиқ жойларин  
туш тиклай бошлайди бирин ва сирин.  
уйимизнинг илк қаватидаги  
яҳудий этикдўз  
тарихий ватанига  
кетиб қолгандан бери  
хотирамни туш ямаб берар.

Туш – ямоқчи,  
лекин унга пул тўлолмаман.  
«Пул-ку ўзингники, тангадан қолма»  
шиори эскирган менинг идроқ хотирам каби,  
бироқ ҳеч ким шиорларни ямамас,  
сабаби, у идрамайди, тўзмас ҳеч қачон  
шиорлар мақолдан фарқли ўлароқ,  
ваъдабоз ноибдай  
бир муддат сайланар,  
йиртилмаса ҳам  
яроқсиз ҳолатга келиб қолади,  
аскарлар бир сигаретани  
чекканидай ўн кишилашиб  
чекилиши кўп.  
Бироқ у безарар,  
ундан ОИТС юқмас ҳеч кимга,  
ТТК<sup>1</sup> хавфи ҳам йўқ.

Кераксиз нарсанинг зарари йўқдир.

Бинобарин, хотира ямоғи –  
зарурлик аломати.

Таассуфки, туш ихтиёри  
менда эмасдир,  
акс ҳолда нигоҳларни  
йиғиштириб олиб ҳаводан  
хотира ямоғига ишлатар эдим.

---

<sup>1</sup> Тери-таносил касалликлари.

Нигоҳ захираси тугамайди ҳавода  
ҳарфларга дўндириб шеър тўқиганинг,  
хотирани ямаганинг,  
ўтин қилиб ёққанинг билан.

Ишлатилган нигоҳлар кўмирдай қора,  
ёки ҳарф сингари қорадир.  
Шунинг учун улар асосан  
қора кийимларнинг ямоғи учун ипликка  
ёхуд ўтинликка ярайди,  
шамликка яраши мумкин янаям  
хотирангнинг зимистонларин  
ёритмоқ учун.

Қаритиб юборар хотира юлиқлиги,  
тушлар уйга қайтишни  
эсидан чиқарган қорни тўқ,  
шўх болакайдай  
келса келар, келмаганда, йўқ.  
Тушлар кўмагисиз  
нигоҳларни истифода этиб бўлмайди  
ўтинликка ҳам.

Нигоҳлар парчаланмас,  
оксидланмас ҳавода.  
Улардан ясалган ямоқ иплари  
мустаҳкам бўлади, демакки,  
мумлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ.

Бироқ  
хотира ёқтирар табиийликни,  
уни нигоҳнинг  
мумланган иплари билан ямаб бўлмайди.

Парчаланмаган нигоҳларни ҳеч  
ишлатиб бўлмайди турмушда  
бизни руҳоният билан боғлаб тургувчи  
ришта йигирмоқ учун  
ёхуд сўфийларнинг идраб кетган чакмонин  
ямаб бермоққа.

Чунки кийимдўзлар нигоҳдан  
букун хирқа бичмас қаландарларга.

Абдураҳмон раис айтгувчи эди:  
— *Амир Олимхонга раиятнинг аҳволи ҳақда  
қаландарлар хуфя тарзда  
хабар йиғиб келар экан юрт кезиб.*

Тўлқин вазифасин бажарган экан  
қаландар зоти.  
Уларни худодан  
тортиб олган Амир Олимхон  
юртидан бадар кетди.

Нигоҳ сарфсизлиги, нигоҳ исрофи.

Исроф ва Исрофил...

Исрофил бурғуси тўлқин чақирар,  
қабул қила олмас тўлқинларни Исрофилнинг  
бурғуси,  
замондан орқада қолган Исрофил,  
ким ҳам қиёматга гуноҳкорларни  
бурғу чалиб чақирар энди?

Қўлга ўргатилган қушчадай  
радиотелефонга келган тўлқинлар  
бурғуга келмайди,  
мамонтдайин ҳуркак тўлқинлар  
арвоҳ овлайдиган бурғудан  
қочар бир тош нарига.

Зич тўлқинларнинг  
истифода этилиши — ҳаддан ташқари  
улкан фожиалар манбаи.  
Тўлқинлар зичлиги тротил каби  
портлатиб юборар ҳавони,  
унга темир-терсак ёки игна ўрнига  
нигоҳлар жойланган бўлади,  
ёмон яралайди нигоҳлар тегса,  
илма-тешик қилиб юборади шуурни.

Наврўз кунлари  
булутларни ҳайдагандай учоқлар билан  
шаҳар устидан  
нигоҳлар зичлигин мўътадил ҳолга  
келтирмоқ учун



уларни ҳаводан йиғиб олмоққа,  
ёхуд ҳайдамоққа чўллар устига  
бирор мослама  
ўйлаб топгани йўқ ҳануз одамзод.

Исрофил ҳайрон,  
бурғу садосини тўлқин ва ҳаво  
тарқатмайди бани башарга,  
букун тўлқин ва ҳаво  
таркиби ўзгариб кетган тамоман,  
ваҳий ташимайди муайян  
сармояга ҳам,  
чунки бунга эҳтиёж йўқдир.

Ҳар ким бўлиб олган илоҳиётни,  
каломуллоҳ бандаларига  
тақсимлаб берилган ҳар кимнинг  
талаби билан,  
билганлар талабни каттароқ қўйиб,  
сом жойидан кесиб олгандир  
бозорга чиқариб пулламоқ учун.

Илоҳиёт тегмай қолган бирор бечора  
бозорга чиқади сотиб олгани  
ва олибсотарга ялинар қақшаб:  
— *Жон тақсир, хаста ҳолимга  
келувдим шаҳарнинг нарғи четидан,  
ўлсам имонимни уюртиргувчи  
бирор яқин одамим йўқ.*

қайтиб келолмасам керак энди бу ерга,  
қанча десангиз ҳам ҳаққин тўлайман,  
бир пайса бўлса ҳам майли, йўқдан кўра бор,  
ўғилларни юборай десам,  
айтганимни қилмайди, оқпадар бўлиб кетган...

Раҳми келар унга тақсирнинг  
ва ўз имонининг ёғли жойидан  
бир пайса кесиб берар маълум ҳақ эвазига,  
бундай адолатни кўрмаган дунё  
бино бўлиб ҳам,  
имон сотиб савоб олган бандаси  
эгасининг вазифасин бажарар, валлоҳ,  
фақат миқёс тораяди икки банда ўртасидаги  
тижорат қадар...

Тобора  
нигоҳланиб боради ҳаво,  
нигоҳ ва тўлқинларнинг хавfli концен-  
трацияси...

\* \* \*

Нигоҳларнинг бир-бирига ишқаланиши  
ҳавони қизитар, лангиллар ҳаво  
тандирдай,  
унга кўз ёш ёпади Ҳаво,  
ёпганлари нон бўлар – куюк,  
бир ҳофиз насибаси,  
куйган ҳофизни  
қарсак очлиги қилмайди таъқиб.

Бу насибани  
сандувочлар териб кетар тариқ мисол  
ҳовучдай яримта уясига.

Уянинг иккинчи ярмин жануб —  
Истанбулга ташлаб келгандир Жониб  
Бир газетнинг генел<sup>1</sup> мудирлигидай ёхуд  
илгарироқ газетда чиққан  
суратли бир репортажидай.  
Бироқ уй — уядан фарқли ўлароқ  
эски репортажда кун кўриб бўлмас  
қишламоққа қайтиб ҳам.

Ўзим эса — деворсиз уй,  
унга кўчиб кираман бир кун  
ёлғизлик, ё кўнгил бўлиб,  
нигоҳлардан, ҳавосизликдан.

Дами қисиб қолган ёлғизлик...

Табрик олдим тунов куни парижлик бир  
дўстимдан,  
ғалати бир табрик экан, ҳайронлар қолдим,  
наҳотки одамни шу нарса билан  
табриклаш мумкин бўлса,  
ақлимга сигмайди шу билан ҳам ҳазил қилиш  
мумкинлиги,  
эҳтимол бу ҳазил эмасдир,  
чиндан ҳам арзир балки унинг табриги

<sup>1</sup> Туркча «бош» дегани.

ҳаволар етмаган ҳавойи ҳолатимга,  
билмаганман эҳтимол буни,  
биноқ билмаслик мени  
табриклардан халос этмаслигин  
билмас эканман,  
билмасликни билмаслик бу ҳаётда  
афғон уруш гувоҳномаси каби  
имтиёз бермаслигин мен бояқиш қайдан  
билибман?

Табрикни ўқимоқ мажбурлигидан  
ҳеч ким қутқаролмас,  
ҳатто қонун муҳофаза қилолмас шу масалада.  
Хотира ожизлиги,  
унга санчилади ҳар бир ҳарф, ҳар бир нуқта  
миххат билан сопол тахтачага битилган  
шумер ёзувларидай,  
ўчириб бўлмас экан хотирани.  
Табрик кириб келаверар экан уйингга  
бемалол  
на девор, на эшиги бўлгач.  
Бугун кабутар ўрнига, ёмхоначи ўрнига  
компьютер хат ташир,  
табрик ташир ҳайит кунлари  
симлар оша, осмонлар оша  
тўлқин бўлиб.

Менга етиб келган табрик ҳарфларига  
дўстимнинг кўз нурлари тўкилмаган,  
юрақдан узилган сўзларнинг асли  
қолиб кетган унинг Париждаги компьютерида.

Менга деворсиз уйга  
кўчиб ўтганим эвази теккан  
табрик — қора сўз  
Парижда қолиб кетган мазахомуз туйғунинг  
ҳам нусхаси.

Бу ҳолни у юборган  
виртуал, яъни  
қўл билан тугилмас табрик қоғози  
билан ҳам тўлдириб бўлмас табрикнинг  
ўринсизлигини истисно қилганинда ҳам.

— *Деворсиз уй — ўзингга кўчиб ўтганинг  
муборак бўлсин,* - деб ёзибди, қаранг  
ва тўлқиндан бериб юборибди денг,  
манзилимни топганини айтмайсизми беҳато,  
гарчи унинг манзилини мен  
ҳеч кимга бермаганман,  
ғариб ва мусофир кунларимдаги  
энг қадрдон дўстим Муртазо ҳам билмайди.  
Тўлқинлар сотдимикин ё уни?  
Уйнинг деворлари бўлмагандан сўнг  
ҳамма кўриб турар нима ҳақда ўйлаганингни,  
бу уйда хос нарсалар хусусида ўйлаш  
мумкинмас,  
ўйлаш мумкин эмас ҳавони, нигоҳларни  
улар сени пайсалаб сотар...

Тунов куни шундоқ ишхонам ёнидаги  
кўчма уй бозорига оралаб кўрдим,  
уйларнинг баҳоси баланд  
бирининг девори ғиштдан, бири — бетондан.

Деворсиз уй суриштирдим,  
ҳамма ҳайрон,  
эсини еб қўйганми, дея маъноли боқар  
бир-бирига олибсотарлар.  
Деворсиз уй ҳеч бирининг етмиш ухлаб ҳам  
тушига кирмаган,  
Париждан эса  
табрикнома йўллайди дўстим  
куйган кўнглим<sup>1</sup> ни кўтармоқ учун.

Кўнгил,  
сен деворсиз уймидинг  
оташсиз ва тутунсиз  
тақиқлар ичра куйган,  
сен куймидинг куймасдан аввал —  
мангулик оқибат?  
Сабаб куяр, куйса ҳар қачон,  
куй куймайди, оқибатдир куй,  
меҳрсиз оқибат.  
Куй — кўнгил.

— Куй, кўнгил,  
лангиллаган ҳаволарда,  
тафтингда кўз ёшин қуритиб олсин  
бирор-бир бахти қора.

---

<sup>1</sup> Зарар курмаслик учун висолдан  
ҳижрондан тикилган ҳимоя кийим.  
Сизни суюнтирадиган мисолдан  
кунгил билан куйиб кул булган уйим.

«Аёлғу» китобидан, 77-бет.

бахтни оқартирмоқ учун оташга  
тоблаб олсин, қўйиб бергин майлига,  
гарчи у дўстингдай олис Париждан  
виртуал табриклар йўлламаса ҳам!

Кўнгил хотирага ишқаланади,  
қизир тандирдай...

\* \* \*

Эгаси бошқа юртга кўчиб кетган ташланди итдай  
нигоҳлар ҳеч қайга сиғмас, дайди нигоҳлар,  
ёзда кўтарилган тўзон сингари  
еру кўк орасида муаллақ қолган нигоҳлар  
нафас олишинга халақит берар.

Халал сувдай зичлашиб борар,  
сув ютгандай ўқчир қалдироқ,  
нигоҳларга ўт қўяди жангалдан  
янги ер очмоқчи бўлган деҳқон мисоли,  
нигоҳлар ёнмайди,  
суюқликдай зичлашмайди ҳам.  
Унинг зичлиги қиёмига етган аллақачонлар,  
сиғмай борар аста-секин атмосферага,  
кўтарила олмайди стратосферага.

Сабаби, осмонга  
мовий қалқон тутиб қўйилган  
фиръавннинг жасадига  
суртилган мўмиёдай,

токим юлдузларни  
нигоҳлар зичлиги қисиб қўямасин,  
юлдузлар ўрганган  
тақрибан тожу тахтларнинг  
бир-бирин орасидаги масофа қадар  
муайян узоқликда порлашга.

Тож сингари юлдузлар ҳам ёлғизликни севар  
ҳар қачон,  
тангри уни шу севги учун  
ёнма-ёнлик қисматиға мубтало этган,  
бирок ҳар вақт ерга ташлаб турар битталаб  
қалқоннинг четидан  
кенгайтирмоқ учун осмонни.

Бир фараз: юлдузга интилган нигоҳлар  
зирҳданган қалқонни ёриб ўтолмас,  
тўғри чизиқ сингари  
айланиб ҳам ўтолмайди қалқонни,  
қалқон остидаги фазолар  
нигоҳларга тўлиб борар, алъамон!

Яна бир фараз:  
вазнсизликда ҳам нигоҳлар учун  
эгалари кўмилган ернинг ва ёки  
маҳрамликнинг тортиш кучи амал қилғуси.

Эгасини излаб юрган ит  
чолдевордан узоқ кетолмагандай  
йиғилиб қолади нигоҳлар  
атмосфераға,



ерга сингиб кетмас ёмғир томчиларидай,  
мабодо, сингиса, шу кун қиёмат  
қупар ер остидан илдизлар бўлиб,  
нигоҳланиб қолган илдизлар  
ер устидан изласа ҳаётга маъни,  
илондай изғиб юрса шаҳар кўчаларида,  
намоишга чиқса ҳокимлик олдига  
чангга. машиналар қурумига  
беланган япроқлар фотосинтезни  
ўз вақтида қилиб бермаганига.

Қурғоқчилик — ёмғир кам ёғар,  
сув — тақчил  
япроқларни нигоҳ билан ювиб бўлмаса,  
тўлқинлар эса  
тамаддунга югурдаклик қилишдан бўшамайди.  
Прагматик бўлиб кетган тўлқинлар,  
бояқиш эшшакдай ишлаганидан  
озиб кўзга кўринмай кетган,  
лекин бойлиги  
Гейтсникидан ҳам анча кўп эмиш.  
Нигоҳлар — камбағал,  
ҳеч ким мулк қилиб ҳам олмайди бундоқ,  
эшигининг олдига боғлаб ҳам қўймас  
таққосимиз ҳурмати.

Нигоҳларнинг вазифаси йўқ,  
хабар тариқасида  
бир-иккита лўли кампирдан бўлак  
ҳеч ким талаб қилиб олмайди.

Фақат шулар ишлатади нигоҳни  
кимнингдир бахтидан, кимнинг тахтидан  
фоллар очиб тирикчилик қилар баъзи-баъзида.

Ҳозир кўпчилик фол очтиргани  
лўли кампирларга бормай қўйган, сабаби,  
ҳар куни радио тонг отмасидан  
кунингиздан бепул фол очиб қўйганидан сўнг  
ким ҳам пулга фол очтирарди?

Шунинг учун бўлса керак, лўли хотинлар  
Ўзин тилло тақинчоқлар савдосига уриб  
кетишган.

Яна қолар истифодасиз  
бизлар удда қилолмаётган,  
йиғиб ололмаган атмосферадан  
кераксиз нигоҳлар.

Қонунлар табиат ёки жамият  
аро амал қилар, нигоҳларга эса  
на униси, на буниси дахл қилади.  
Бунда катта нигоҳлар  
кичикларин еб кун кўрмас уммондагидай,  
чангалзор қонуни амал қилмас атмосферада.

Шўрлик физика,  
Йўқдан бор бўлган-у,  
бордан йўқ бўлмаётган нигоҳларни  
қайга яширади, кимга пуллайди?  
Қанча алфёровлар керак ҳали нигоҳни  
саноат усулида қайта ишлаб  
фойдаланмоқ учун халқнинг хўжалигида.

Ёхуд ишлатилган моллар махозинида  
эҳтиёжманд кишиларга уни сотмоқни  
йўлга қўйиш мумкинмасмикин?

Фараз қилайлик,  
Кўзи яхши кўрмайин қолган  
бир кампир  
нигоҳ сотиб олди шу махозиндан,  
табий, кўзлари яхши кўра бошлайди.  
Дунёга боқади болакай ҳайрати билан  
ва...

Дафъатан олазарак нигоҳлар  
қизларнинг ортидан эргашар,  
яхмалак отиб ўйнар маммаларида,  
Шўрлик кампир...  
умри бино бўлиб жинсдошларига  
ҳирс кўзин тикмаган бечора,  
маммолог ҳам бўлмаган аксига олиб,  
мантиқ топиб берай деса  
нобоб хатти-ҳаракатига.

Охиратим қўйиб кетар деб  
тунлар ибодатдан бош кўтармайди,  
тавба қилиб чиқар тун бўйи...  
унга бир тасалли берар қўшнисин:  
— *Кўзлар кўрмай қолгандан кўра*  
*қулоқнинг эшитмай қолгани беҳроқ,* —  
деган юпанчи.

Бироқ одамнинг ўз ҳузури учун  
гуноҳга ботгани қандоқ бўларкан?

Мавжуд технологиялар  
нигоҳни тозалаб бермаса,  
ундан СПИД, сарғайма каби  
собиқ эгасининг қизиқишлари  
юқиб қолса беморнинг  
яллиғланган руҳиятига,  
яллиғланган тасаввурининг  
кўтариб юборса ҳароратини  
ваража қадар  
кимга юкланади бунинг жавобгарлиги?

Жавобгар изламоқ шартмикин,  
жавобгар бўлгунча бутун бошли жамият  
бир киши гуноҳни бўйнига  
олса бўлмасми  
ёхуд мослагандан кўра янгиликни ахлоққа  
ахлоқни янгиликка мослаш қулай эмасми?

Мослаш эҳтиёжин шиддатсизлиги  
кампир нигоҳини судрар қизлар ортидан,  
ечим топиб беролмайди  
манфаат ва ахлоқ зиддиятига.

Эҳтимолки, унинг кўзига  
имплантация қилинган нигоҳ  
мадрасанинг зах ҳужрасида  
мукка тушиб китоб ўқиган  
талабага тегишли бўлган, валлоҳи аълам.

Янгилик нигоҳдай бетартиб.

Уни тартибга солажак  
қонуният кечикиб юрар  
«Бухоро – Тошкент»  
поездига чипта ололмай қолган  
йўловчи каби...

\* \* \*

Тушларни идора этар нигоҳлар,  
Келажак умр  
кимнингдир тушлари ҳосиласи бўлажак,  
тушлардан туғилар, одатда, одам.  
Кимнингдир тушидан бино бўлганлар  
ўз тушида дунёдан ўтар бир кун дафъатан,  
тушлар аён қилар умр интиҳосини,  
сюрреал тўқима кўринишида.

Аслида нигоҳлар тўқима ашёларидир.  
Нигоҳдан тўқийди ўргимчак тақдир  
келгунинг аёну баёнларини,  
тўлқин эса тушнинг говушга  
айланган таъбири,  
сувга оққан сўзлардир тўлқин.

Сандиққа айланар сўзлар  
Тоҳирдай тушни  
кимнингдир бахтидан Орол сарига  
оқизиб кетмоқ учун,  
сув эса чўлларга оқмайди,  
уйни айланиб ўтиб, томорқани суғорар  
ва шўр бўлиб пахса девордан

томга қараб ўрлар илондай,  
чирмаб ётар уйни,  
унга киролмасдан қийналар  
тушлар тусидаги келажак.

Эшикни очай деса  
шўр бўлиб

ёғочдан тепага ўрлаб бўлмайди,  
эшик зулфагига етмас келажак қўли...

Тушларин сувларга улашган сахий зот  
билмаски, руҳини бошқа одамлар  
кўнгилсизлик хавотири билан эмлашин,  
билмаски, тушини ўзидан бошқа  
бирор назаркарда бошқариб  
турганини нигоҳдарнинг ҳукмига кўра  
тўлқин билан истагин йўллаб.

Бу истак вужуддан чиқиб кетмаса,  
руҳга қувват берар, албатта,  
қувват ижобий бўлса,  
умрни узайтар, шубҳасиз,  
ё салбий бўлса,

Сукрот айтмоқчи, ёмон хотиндай  
одамни файласуф қилиб қўяди.

Сукрот ҳақ:

ҳатто ҳаётдаги омадсизлигин  
ўзининг фойдасига ишлата билиш  
бахти ҳар кимга ҳам муяссар  
бўлавермайди.

Нигоҳлар тушларга ўраб ташлайди  
келажагингни.

Такбир каби бир сўз такрорланар бўғзингда:  
— келгу! келгу! келгу!

Нигоҳ тўрларининг ортида  
кимдир уни ўйнаб ўтирар  
соққадай кўкка отиб.  
Келгу каллапўш эмас.

Тўғрироғи, уни ичидаги бош билан  
бирга отиб ўйнайди тушлар.

Нигоҳ тўри билан қуршалган қисмат  
Дарвозага тушган коптокдай  
чиқиб кета олмас ташқари.

Қисмат тушларидан уйғониб бўлмас  
ўлимга қадар.

Шунда ҳам

очиқ қолган кўзларингни  
тупроқ билан тўлдирар кимдир  
бу жаҳонда олиб қолмоққа  
неларнидир башорат этажак  
нигоҳларни.

Тўлқинлар эса

барибир тупроқни тешиб чиқади  
ҳеч бўлмаса  
сўз бўлиб,  
мавҳум башоратни афсунлар бўлиб,  
дуо бўлиб

воқеликка чевирмоқ учун...

2002 йил

## ХОТИРА ФАСЛИ

Соғинчинг шеър эмас, бўғиқ фарёддир,  
унга чўкиб ётар чийралган жоним.  
Келсанг-чи отмаган тонгим оттириб  
Ва бағрим чок этиб, гули хандоним.

Мени олмасмисан бир келимингга,  
минг соғинч етмасми бир карашмага?  
Наҳот юракдаги ишқ мавжи тинган,  
энди куймоқ бизга ярашмайдими?

Қўмсадим, борсадим, кўрсадим, пари,  
муҳаббат сўзлардай идрар, англашим  
мушкулдир келмоғинг кутганим сари.

Келмаслигинг каби ҳислар кўлами  
бораркан тобора муайянлашиб,  
сенсизлана бошлар қалбнинг бўлаги ...

*2003-2004*



\* \* \*

Капалак қўнади табассумингга.  
Кўксинг мавжларида титрар оҳишта  
Нозик табассуминг бир паноҳ истаб.  
Капалак қанотин силкийди тинмай

Сақламоққа... юрак мувозанатин...  
Ҳорғин бир табассум жилваси эзар  
Олисларда қолган севгига менгзаб.  
Гоҳи эзиласан, гоҳ қувонасан...

Кузак боғларида очилган гулдай  
Маҳзун жилмайишинг омонатлиги...  
Капалак умридан узунроқми, айт,

Сенинг табассуминг? Ёмонотлиққа  
Чиқиб қолмасмикин ҳақталаб қулдай  
Ел теккан шам каби ўчиб қолган пайт?

*03.10.2004*

\* \* \*

Кўр излаб кул титган бола сингари  
Титкилаб ўтирар хотирни соғинч.  
Олис эҳтирослар йўқдир тингани,  
Кўксимда ёнғин-у, кўзимда ёғин.

Сўниб бораётган оловдай ҳаёт  
Сочимга кулини сепи бошлайди.  
Юрак сузмоғига туйғулар саёз,  
Эндиги умидлар тиздан ошмайди.

Ўтмиш келажакка келар бостириб,  
ёриб чиққудайин кулни заиф кўр,  
бир сезим куйдирар юрак остини.

Ёш бўлиб ёнади олис хотира,  
Ёндирар, чўктирар суюқ оташ, кўр,  
Соғинч қиличини кулга ботирар...

*март, 2003*

## ТАСАВВУРГА ДОШ БЕРСАНГ БЎЛДИ...

Санъат тилсимланган қўрғонга ўхшайди. Унинг эшиги “сим-сим” деган калитни топмагунча очилмайди. Ҳарқалай, тилсимланган қўрғоннинг эшигини топгунча қанча қосимлар бу қўрғон олдидан ўтиб кетишган. Ўтиб кетади ҳам. Лекин баъзи-баъзида кимнингдир оч қолган “туяси” ўз соҳибини беихтиёр эшик олдига бошлаб келади. Бироқ шунда ҳам эшикни фақат хаёлпараст Алибобо очади. Битта эртак тилсимини очиш учун битта қаҳрамон кифоя қилади. Агар бу тилсимни ҳамма ҳам тополганида эди, унда эртакнинг ҳеч қандай моҳияти қолмасди. Эртак эса моҳиятни тугун ичидаги тугунга яшириб қўяди. Ҳамма ҳам тугунни ечишга ҳафсала қилавермайди.

Моҳият тасаввур чизигидан сўнг бошланади. Уни топиш учун олдин “тасаввурга дош бериш” ҳам керак бўлади. Тасаввур – санъатнинг кириш эшиги. Бу эшикни тополмаган кишига, ҳарқалай, ер ковлаб, хазинани излаб топиш осонроқ. Қўлидан кетмон даста ҳиди келиб турган ижодкор санъат эшигини топиш учун “харита” билан “қазिश”нинг ўзи кифоя қилади деса хато қилади. “Қазिश” – бу тер ҳиди. Тасаввур эса идрок, заковат ҳидидир. Бу ҳид ҳамманинг ҳам димоғига уфуравермайди. Бироқ фақат шу ҳидгина санъат остонасигача етаклаб боради.

...Ўлим қўрқинчлимас,  
Фақат кечинмага чидаб берсанг бас,  
Фақат тасаввурга дош берсанг бўлди...

Ўлимдан кучлимикин тасаввур? Нега шоир “ўлим” ва “тасаввур”ни қиёснинг икки қутбига

жойлаштиряпти? Ўлим тасаввурни ўзиники қила олармикин? Тасаввур эса ўлимни ўзиники қила олади. Ҳатто уни ижоднинг воситасига айлантириши ҳам мумкин. Ҳазрат Навоий Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнунни ажал кўлига топширар экан, ўлимни ўзиники қилади. Демак, тасаввур ўлимни енгади. Мозий ҳам, келажак ҳам тасаввур ҳосиласи бўлиб кўз олдимизга келади. Тасаввур — бу илоҳий қудратни ҳис эта олишдир, бу санъатни тушуна ва англай олишдир. Шоир Фахриёрнинг «Геометрик баҳор» тўплами “Аёлғу” тўпламининг узвий давомидир. Бу узвийликни олдинги китобдаги айрим шеърларнинг ушбу китобга киргани ёки шоирнинг навбатдаги китоби чиқаётгани деб тушуниш хато бўлур эди. Шоир бу сафар ҳам “Аёлғу”даги шеър, сўз, образ борасидаги ўзига хос қарашларини мустаҳкамлайди. Яъни, бу сафар ҳам у шеърят ихлосмандларининг тасаввур чегараларини бузишга ҳаракат қилади, тўғрироғи, уларни шунга ундайди. Умуман, адабиётга, образга, фикрга қараш, дастлаб, бу ҳақдаги тасаввурни ўзгартиришдан бошланади. Биз кўникиб қолган шеърлар бир пайтлар ўз даврининг тасаввурини бузган эди. Аслида адабиёт янгиланмайди. Тасаввур, сўзга, инсонга, фикрга, гўзалликка бўлган тасаввур янгиланади.

Осмон ёнбошлайди ҳовуз четига...

Чўмилаётган ойни  
томоша қилгиси келар осмоннинг...

Баҳор бўйи қулдай ишлаган чирой  
ёзга етмай қариб қолади...

... сув теккан ой ўчиб қолар ҳовуз тубида...

Яна бир наврўзга етган боболар  
севинчдан яйраб  
тушларин далага қўйиб юборар...

Метафора — тушунчаларнинг тасаввурдаги  
уйғунлигидир.

Тасаввурни янгиламай туриб, на метафорани,  
на сўзни янгилаб бўлади. Тушунчалар воқелик тур-  
ган жойда фақат исмдир. Воқелик тасаввурга ай-  
лангач эса унинг эврилиш жараёни кучаяди. Тасав-  
вур тушунчага эркинлик беради. Демак, тушунча-  
ларни мужассам этаётган тасаввур ҳам фалсафага  
дахлдордир. Тушунча яшар экан, тасаввур муайян  
мазмунга эга бўлади. Тушнинг далага қўйиб юбори-  
лиши воқелик нуқтаи назарида энг мантиқсиз ифо-  
да. Воқеликнинг мантиғи тушунчаларни ўзига қул  
қилиб қўяди. Шу маънода тасаввур — бу тушунча-  
лар эркинлиги ҳамдир. Тушда кўрилаётган дала билан  
далага қўйиб юборилган тушнинг бундай пайтда  
ҳеч қандай фарқи йўқ. Бу ерда фақат тасаввур чизи-  
гининг макони кенгаяпти, холос. Демак, тасаввур чи-  
зиғи бу эркинлик чизиғи, биз мантиқсиз деб ўйла-  
ган ифоданинг мантиққа айланиш чизиғидир. Шу  
маънода тасаввур Камю айтмоқчи “абсурд эркин-  
лик” дир. Бу “эркинлик” анланмас экан, юқорида-  
ги сатрларнинг ҳеч қандай моҳияти қолмайди. Чунки  
бу ерда мантиқ мантиқсизлик чегарасини бузиб, ман-  
тиқсизликдан мантиққа айланяпти. Биз хаёл деб  
ўйлаган ва кўниккан тушунча сўзлар қиёфасида во-  
қелик тусига кирапти. Тасаввур мантиғи мавжуд ман-  
тиқни инкор қилароқ, ўз мантиғини, яъни ўз мав-  
жудлигини ифода этипти. Ўз мавжудлигини ифода  
этиш — бу исендир. Ҳарқалай, Камю шундай дейди.  
Модомики, шеър ўзининг мавжудлигини исботлашга

уринаётган, тасаввурни янгилаётган экан, демак, у исёндинр. Кулларгина бундай туйғудан маҳрумдир. Куллик — бу ўзликни унутиш, исён эса ўзини танитиш. Тасаввуфчилар буни бошқачароқ ифодалайди: сўфийлардаги ўзликни унутиш кулликка даъват эмас, аксинча, ўзига, ботинга — тасаввурга қайтиш сифатида талқин этилади. Бироқ ҳар иккала қарашда ҳам айни ҳолатни инкор этишга даъват бор. Шу сабабли санъатни тушунишдаги икки хил нуқтаи назар алал-оқибат бир хулоса билан якун топаверади. Ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам ҳеч нарса янги эмас. Ҳар қандай янгилик — эскининг такрори. Шу маънода “янги адабиёт” ибораси унчалар мос ибора эмас. Адабиёт эмас, адабиётдаги қараш янгиладиди. Янги қараш янги тасаввурни пайдо қилади.

Ойна каби шаффоф шамол

йўлида учраган

нарсаларга урилиб синар.

Чумчуқларга айланар шамолнинг синиқлари

дарахтларга қўнмоқ учун

япроқлар ўрнига...

Баргсиз дарахт — бу этсиз устихонга ўхшайди. Дарахтнинг бор мазмуни унинг мева ва барг қилишида. Яланғоч дарахт билан яланғоч одам ўртасида фарқ йўқ. Шоир бу фэйзсизликка қарши исён қилади. Шамолни синдириб, барглар ўрнига чумчуқларни экади. Гўё шу билан фэйзсизликни енггандай бўлади, шу билан гўзалликнинг кемтик жойини тўлдиради. Буни бир сўз билан яратиш дейиш мумкин. Инсон ўзи яратган гўзалликдан завқ олади. Ўзининг тасаввуридаги гўзалликдан завқ олади.

Менга дўст керакмас душмандан бошқа  
муҳаббат керакмас нафратдан бошқа....

Ғалати талқин. Қаҳрамон биз кўниккан шеъ-  
рийатдаги каби “Менга дўст керак” деяётгани йўқ.  
Қаҳрамон дўст ўрнида душман, муҳаббат ўрнида  
нафрат туришини талаб қиляпти. Нега? Бу ниги-  
лизмми ёки аламзадалик? Бу сатр халқ ичидаги ма-  
қолга қурилган сўз ўйинига ўхшайди. Лекин гап сўз  
ўйини ҳақида эмас. Фикр ўйини ҳақида. Душман-  
нинг дўстга айланиши, нафратнинг муҳаббатга  
айланиши – диалектик жараён. Бу ерда ҳам инкор  
қонунлари бор. Одамнинг ўзи ўзига дўст кўзи би-  
лан қараши фикрнинг турғунлигига олиб келади.  
Душман кўзи билан қараса-чи? Муҳаббат қўйил-  
ган тушунчаларга нафрат билан қаралса-чи? Наф-  
ратни ҳис этмаган ёки нафратни ўзига сингдирма-  
ган муҳаббат – бу тўла муҳаббат эмас, муҳаббат  
ҳақидаги ҳавасдир. Муҳаббатнинг азоби ва лаззати  
нафрат билан тўйингандагина биз воқеликни тўла-  
роқ тасаввур этамиз. Муҳаббатнинг нафратга ай-  
ланиши – бу фожиадир. Фожа эса руҳни янгилай-  
ди, қарашларни ўзгартиради, янги воқеликни яра-  
тади, эскисини инкор қилади, янги тушунчаларга  
макон ясайди. Одам руҳияти коинот қадар кенг  
экан, ундаги жамики янгиликлар, эврилишлар  
айни шу жараённинг қутбларида содир бўлади.  
Туннинг кун каби, куннинг тун каби чексизлиги  
бу жараёндаги эврилишларнинг бепоёнлиги ва аба-  
дийлигини кўрсатади. Инсон шу абадийлик ичида  
яшар экан, ўзига макон ясаб олишга уринади. Бу  
макон унинг тушунчалари маконидир. Буни бош-  
қача ҳам ифодалаш мумкин. Камю буни ижодкор  
дунёси деб атайди. Ижодкорнинг дунёси ўзини ифода

этиш, ўзини инкор этиш орқали қайта кашф этиш оқибатида пайдо бўлган тушунчалар ва тасаввур оламиндир. Ҳар бир асар — тасаввурнинг метафора-сидир. Метафора фикрнинг бадиий ифодасидир. Фикр қилинаётган метафора бу ўзини излаётган идрок-дир. Бадиият ҳис этиладими ёки фикр қилинадими? Шарқда ҳис этилади, Ғарбда эса фикр қилинади дейилади. Лекин ҳиссиз фикр, фикрсиз ҳис ҳеч қачон бадиият бўлолмаган. Бир-бирини инкор қилувчи тушунчалар ҳамиша бир-бирини тўлдириб келган.

...Шайтон ҳам ўзингсан, раҳмон ҳам ўзинг...

Шоирни бу ерда шаккокликда хоҳлаганча айб-лаш мумкин. Нега у бизнинг кўникмамизда бир-бирига зид бўлган икки кутбни ўзаро қориштир-япти? Бу исёндан мақсад нима? Биз мақсадни ту-шунгунча шоир ҳали тиниб улгурмаган мантифи-миз кўлига бошқа бир тош отиб, лойқалатади.

...Ажр аросатдир

жазо — аросат...

...мағзи бутун бўлган ақида

...тошбақанинг косасидай бўм-бўш ётибди...

Бу — учта мучал ёшига етган ақлнинг хулоса-лари. Ақл ўтмиш ва келажакнинг харобаси устида — шайтон ва раҳмон бир қиёфага кирган жойда ўтирибди. Уни дидактика билан алдаб бўлмайди. У бу хулосага келгунча барча жараённи босиб ўтган. Босиб ўтган йўлининг хулосаси шу. Айнан шу хулосага келишнинг ўзи — исён. Ақл шу исён билан чегараланади. Унинг бошқасига қурби ет-майди. Атроф-жавониб — дўзахий манзара. Ҳар бир



тушунчада, ҳар бир сўзда таназзул ҳиди бор. Ақл бу таназзулга таслим бўлди. Завқ ўлди. Завқсизлик эса жаҳаннамдир. Муҳит таназзули ақлни ҳам таназзулга олиб келди. Димоғида таназзул куйиндилари ҳидидан бошқа ҳид қолмади. Лекин шуур бу таназзул орасидан ўзини қутқарадиган битта сўзни топиб олди:

... Энди бу кўнгил  
пушти куйиб кетган бир мозор  
гўрўғли — мақсад  
туға олмай қийналар.

Ана шу битта сўз тасаввурга яшаб қолиш имкониятини беради ва бир замонлар худди шу номдаги дoston орқали халқ ўзининг идроки ва улуғворлигини сақлаб қолгани каби тасаввур ҳам шу сўз орқали ўзининг мавжудлигини сақлаб қолади. Кўнгил ва ақл мозористонида Гўрўғли туғилади. У таназзулга маҳкум жасадини ташлаб, юқорироқ кўтарилади.

Унинг бир истаги (Майли қай кимса,  
Шаънига номақбул сўз айтса, айтсин.)  
Кўкдан тушолмаган бирор-бир хумса,  
Шеърий зиналардан заминга қайтсин.

Бу тасаввурнинг дастлабки бош кўтариши эди. У ўзини қутқаришга кўкдан кимдир ёки нимадир тушади деб умид қилади. Умид завқни тирилтиради. Завқ эса худди шиллиққуртдек тасаввурга ёпишиб олади. Зеро, у тасаввурсиз, унинг кўзларисиз яшай олмайди. Тасаввур эса энди тепадан кимдир тушишига бўлган умид билан чекланмайди. Агар бу зиналардан кутгани тушмаса, унинг ўзи шу зиналар орқали

кўкка кўтарилади ва шу йўл билан ўзини “мозористон” ҳидидан халос қилади. У энди бемалол мозористон уфунатига фарқ бўлган дунёга қасдма-қасд ўзи дунё ва гўзаллик яратиши мумкин:

Кўксингни ёради ҳам куртаклари  
ёниб ёзгинг келар жигархун байтлар,  
юракни алдайди ишқ эртаклари...

Юрак дўзахий уқубатдан халос бўлиб, янги ишқ, янги муҳаббат, янги исён билан тўлади. Тасаввур исёни янги сўзни, янги номни, янги матлабни яратади. Бу яратишни биз соддагина қилиб “Истеъдод” деймиз... “Геометрик баҳор” достони ушбу тўпламнинг асосий устунларидан бири, кириш ва чиқиш эшиги — маълум маънода бугунги шеърятимиздаги шакл борасида ўзини оқлаган изланишларнинг ёрқин намунасидир. Шоир нафақат мазмун ва мантиқ чегарасини, балки шакл ҳақидаги тасаввуримизга ҳам даҳл қилишни, уни ҳар кўйга солишни ва ҳатто уни бузишни истайди. У бизга сўзлар билан бирга турли ўлчамлару шакллар орқали ўзи яратган тасаввур дунёсини тавсия қилади. Баҳор боққа турли-туман ранглар келтирган ва шоирларимиз бу ранглар олдидаги ҳайратларини асрлар оша ифода қилиб келдилар. Фахриёр эса бирдан бизнинг бу ранглар уйғунлигидаги ўлчамларни кўришимизни истайди — бу билан яна бизнинг тасаввуримизни чархлаб кўради. Эҳтимол, айнан шунинг учун ҳам бу шеърни бирдан ҳазм қила олмасмиз. Эҳтимол, бунақа геометрик ўлчовлар бизга шоирнинг навбатдаги “олифталиги” бўлиб туюлар... Бироқ азалий диалектикага кўра, янгиланиш ва эскириш, равнақ ва таназзул, туғилиш ва ўлим —

хаммаси, худди шоир тасвирлаган боғдаги баҳор каби ўз ўлчовларига эга. Тириклик ва борлиқ ўрта-сидаги уйғунлик айна шу ўлчовларнинг мувозанати-га ҳамда бирикувига боғлиқ. Бу фан тилида геометрик прогрессия дейилади. Яна шуниси борки, биз фақат руҳият маҳсули деб ўйлайдиган ҳис-ҳаяжону кечинмалар ҳам маълум ўлчамларнинг бирикувидан таркиб топади. Эҳтимол, бизнинг тафаккур даражамиз учбурчак ёхуд тўртбурчак ёхуд айлана шаклидадир... Оламнинг ранг-баранглиги, аввало, шаклларнинг ранг-баранглигидир. Атиргулнинг шакли бизга нимани эслатади? Нега атиргул шаклидаги бошқа нарсалар бизга гулчалик лаззат беролмайди? Эҳтимол, табиий гулда ҳам маълум бир шакл бор-у, ботинимиздаги айнан шундай шакл табиий гулда ва рангларда ўз қиёфасини топар... Эҳтимол, уйғунлик дегани бу фақат ҳиссий уйғунлик эмас, шаклий уйғунлик ҳамдир... 20-аср бошида кубистлар (Пикассо ва бошқалар) турли шакллар орқали инсон руҳиятининг манзараларини акс эттиришга уриниб кўришган эди. Фахриёр эса буни асосий қуроли сўз бўлган шеъриятда синаб кўряпти. Гап шаклнинг бузилиши ва янги шакл изланишида эмас. Атрофимиздаги шакллар қай кўринишда бўлмасин, агар биз ана улар ўрта-сидаги уйғунликка эришсаккина, ботиний ва зоҳирий комиллик қалитини топган бўламиз. Зеро, гап шаклда эмас, инсон ҳақидаги изтиробдадир, инсон ҳақидаги қайғудадир.



(Юрак)  $\triangle$  (эхром) сингари суйри ва силлиқ бахтга тирмашади, сирпаниб тушар пастга, бахтга чиқа олмайди юрак....

Бахтдан сирпаниб кетган юрак  
баҳор бўлиб чиқар ҳар бир дарахтга,  
ҳар дарахтда гуллайди юрак...

Агар биз ҳар қандай шаклга мажозий ёндаша олсак, унда биз шоирнинг шаклбозликка мойиллигидан кўра, кўпроқ бу шакллар ҳам худди сўз каби дostonда, қолаверса, бутун тўпلامда, асосий метафорага — янгиланиш ва эскириш, раvнақ ва таназзул ўртасида турган, ўзининг ҳаёт, олам, табиийки, адабиёт ҳақидаги тасаввурларини ўзгартиришни истаётган шоирнинг, юқорида Камю таъкидлаганидек, исёнини кўрамиз.

Фахриёрнинг “Геометрик баҳор” китоби шеъриятимизда ўзини ўзи инкор этиб, ўзини ўзи кашф қилаётган, шеър, сўз ҳақидаги тасаввуримизни ўзгартиришга мажбурлаётган истеъдоднинг пайдо бўлганидан дарак беради.

*Назар Эшонқул*

## МУНДАРИЖА

<b>Тараддуд</b> .....	3
Ватанпарвар .....	3
Эрмак шеър .....	5
Кутилмаганлик .....	7
Гиря .....	9
Учланиш .....	10
Излам .....	16
Кўча ҳақида эртақ .....	19
<b>Ишқ балоси</b> .....	21
Мендан шамол бўлиб кетмоқ истайсан .....	21
Дунёнинг камини муҳаббат билан .....	22
Тушларинг капалак мисол кўнимсиз .....	23
Соғинч .....	25
Омонимона .....	26
Ишқ балоси .....	28
Тун кечар, кун кечар .....	35
Муҳаббатдан сўнг .....	37
Ушбу кечам, ялдо кечам қорлидир .....	39
Видойинг бўғзимга қадалган ханжар .....	40
Сен келарсан бир куни қайтиб .....	43
Мен сени соғиндим, дерларимдасан .....	45
Рондель-1 .....	47
Рондель-2 .....	48
Рондель-3 .....	49
Кимланиш .....	50
Оддий фожиа .....	52
Ёзилмаган шеърлар .....	55
<b>Ўнгарилган тушлар</b> .....	56
Тонг ташбиҳлари .....	56
Қишки ин .....	57

Тунги ҳовуз.....	59
Қайрағоч.....	60
Вақт.....	61
Кечинма.....	63
Ёлғизлик.....	65
Қора шуъла.....	66
Гул атри.....	68
Дам олиш куни.....	69
Навбат.....	71
Тун сочиб юборар одамни.....	72
Кераксиз нарсалар табиийлиги.....	74
Ҳар бир фалсафа.....	75
Изтироб тенгкучлилиги.....	77
Худбинлик.....	78
Сукунат.....	79
Дунёқараш.....	80
Тун қуюқ.....	81
<b>Сонетарий.....</b>	<b>83</b>
Ҳаёт юрагимни тилкалар.....	83
Сенсизлик.....	84
Умид йўлларида адашди баҳор.....	91
Бир кеча минг кеча бўлган бу кеча.....	92
Суйгилим суй гулим суйги лим.....	93
Бўғзимдан сирқирар товуш — қон.....	94
Ҳадик.....	95
«Имло лугати»дай ёлғизлик.....	96
Тийрамоҳ боғлари рутубаглидир.....	97
Сен мени алдайсан туш каби.....	98
Зулхумор кеча кўк ой сийнасида.....	99
Юрагимнинг қадоқларин кузларимга суртдим мен.....	100
Мен сени тушларга бой бериб қўйдим.....	101
Сен ўтмадинг, сендан дунёлар ўтди.....	102
Кечирмади мени изтироб.....	103
Баҳор келар далаларга туркунлаб.....	104
Ойлоқ кеча, муҳаббат кечар.....	105
Не суворий эдимки, лайло.....	106

Санамжон, кўзларим ўйилди .....	107
Ой юзидан юзиб ўтар турналар .....	108
Осмон яратганнинг мовий кўзидир .....	109
Айттаринг не эди, қайтаринг.....	110
Дарахтлар жанубдан келмоқда қайтиб .....	111
Ҳали .....	112
Куйганинг мен бўлдим, суймаганинг – мен .....	113
Тақдир пешонагни тушларга солди .....	114
Намозшомгул .....	115
Мажруҳ юрагимнинг кунжакларига .....	118
Муҳаббат – кўксингга қамалган ҳаво .....	119
Мен ҳам севган эдим куйгин ва далли .....	120
Кайфият хулосасизлиги .....	121
Сени олиб кетар гуноҳлар .....	122
<b>Геометрик баҳор .....</b>	<b>123</b>
<b>Куала-лумпур .....</b>	<b>132</b>
<b>Ҳаво манзаралари .....</b>	<b>138</b>
Хотира фасли .....	176
Капалак қўнади табассумингга .....	177
Қўр излаб кул титган бола сингари .....	178
Тасаввурга дош берсанг бўлди.....	179

*Адабий-бадиий нашр*

**ФАХРИЁР**

**ГЕОМЕТРИК БАҲОР**

(Ўнгарилган тушлар)

(Шеърлар)

*Тошкент «Маънавият» 2004*

Муҳаррир *У. Қўчқоров*

Мусаввир *Г. Шоабдураҳимова*

Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*

Мусаҳҳиҳ *С. Абдусаматова*

Компьютерда тайёрловчи *А. Турсунов*

Теришга 06.05.2004 й. да берилди. Босинга 29.06.2004 й. да рухсат этилди. Бичими 70x90/<sub>32</sub>. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 7,02. Шартли кр.-отт. 7,92. Нашр т. 6,34. 5000 нусха. Буюртма №А-5662. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 11-04.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй. 2004.

**РАССЫЛКА**